



USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



СУД ТИЗИМЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИШТИРОКИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ТАҲЛИЛИ

Гендер

Гендер тенглик

Хотин-қизлар
ҳуқуқлари

Гендер стереотиплари

Гендер тафовут

Гендер бетарафлик

Гендер
кўрлик

Зўравонлик

Камситиш

Гендер сезувчанлик

Жинс бўйича камситиш

Жинс бўйича бевосита камситиш

Жинс бўйича билвосита камситиш

Ижобий камситиш

Жинсий зўравонлик

Аёл

Жисмоний зўравонлик

етакчилиги

Иқтисодий зўравонлик

Руҳий зўравонлик

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи

Тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш

Ҳимоя ордери

Тазйиқ

Тазйиқ ва зўравонликни
олдини олиш

Гендер
асимметрияси

Гендер

квоталари

Иш жойи





USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



**СУД ТИЗИМЛАРИДА
ХОТИН-ҚИЗЛАР ИШТИРОКИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА
ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ТАҲЛИЛИ**

Тошкент – 2020

Ушбу нашр суд тизимида хотин-қизлар иштирокини ошириш масалаларига бағишланган. Нашрда суд тизимида хотин-қизларнинг иштирокига оид қоидаларни ўз ичига олган халқаро ҳужжатларнинг таҳлили берилган ва суд тизими ходимлари орасида хотин-қизларнинг сони камлигининг сабаблари ҳамда бир қатор хорижий давлатлар тажрибаси асосида уни ошириш бўйича чора-тадбирлар ўрганилган. Шунингдек, нашр Ўзбекистон Республикаси суд тизимида хотин-қизлар иштирокининг даражасини ошириш бўйича тавсияларни ҳам ўз ичига олган.

МУАЛЛИФЛАР

А. Б. Салаев – ҳуқуқ магистри (Тулейн университети, АҚШ), “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” лойиҳаси раҳбари

Ф. У. Хамдамова – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг катта ўқитувчиси ва тадқиқотчи

Н.Н.Шотурсунова – Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмитасининг бош маслаҳатчиси ва Ўзбекистон Республикаси гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ишчи гуруҳи аъзоси.

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида **БЕПУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН**. Нашр мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, БМТ Тараққиёт Дастури, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ёки АҚШ ҳукуматининг расмий нуқтаи назарини акс эттирмайди.

Нашрнинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг www.sud.uz ва БМТ Тараққиёт Дастурининг www.uz.undp.org интернет сайтларида жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди,
Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1.
Телефон: (+998 71) 239-02-67

© БМТ Тараққиёт Дастури, 2020.

© АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), 2020.

© Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2020.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	6
СУД ТИЗИМЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИШТИРОКИНИ ОШИРИШГА БЎЛГАН ЗАРУРАТ: ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТАҲЛИЛИ	8
ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР СУД ТИЗИМЛАРИДА ХОТИН- ҚИЗЛАР ИШТИРОКИ	11
ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР СУД ТИЗИМЛАРИДА ХОТИН- ҚИЗЛАР ИШТИРОКИНИ ОШИРИШГА ЁРДАМ БЕРГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТАҲЛИЛИ	13
ХУЛОСАЛАР	22
ИЛОВАЛАР	24



КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги 87-1-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 1979 йил 18 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиши ҳақида»ги қарорига асосан аъзо бўлган¹.

Конвенциянинг умумий мақсад ва вазифалари хотин-қизлар ва эркаклар ўзларининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини амалга ошириш доирасида уларнинг юридик ва амалдаги тенглигини таъминлаш мақсадида хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча турларига барҳам бериш ҳисобланади. Конвенцияда иштирок этувчи давлатлар хотин-қизларнинг уларни камситмайдиган муносабатга бўлган ҳуқуқини ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш, рағбатлантириш ва амалга ошириш ҳамда эркаклар билан юридик ва амалда тенглиги нуқтаи-назаридан хотин-қизларнинг ҳолатини яхшилаш мақсадида уларнинг ривожланиши ва тараққий этишини таъминлаш мажбуриятига эгадирлар².

Конвенцияга мувофиқ Ўзбекистон унга қўшилган пайтдан бошлаб БМТнинг Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш бўйича Қўмитасига ушбу конвенция қоидаларининг амалга оширилиши тўғрисида даврий ҳисоботлар тақдим этиб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида Қўмита Ўзбекистоннинг хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча турларига барҳам бериш соҳасидаги ижобий ютуқларини бир неча бор қайд этди. Хусусан, Қўмита Ўзбекистоннинг бешинчи даврий ҳисоботи бўйича берган якуний мулоҳазаларида иштирокчи давлатнинг 2010 йилдаги тўртинчи даврий ҳисоботи (CEDAW/C/UZB/4) кўриб чиқилгандан кейинги даврда ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш бўйича эришилган ютуқларни, хусусан, 2013 йилда Маъмурий жавобгарлик тўғриси-


даги кодекснинг 47-моддасига болаларнинг, жумладан, қизларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишига ота-оналар, васийлар ва ҳомийлари тўсқинлик қилганларида уларнинг жавобгарлигини белгиловчи тузатиш киритилганини ижобий баҳолади. Қўмита, шунингдек, институционал ва сиёсий соҳаларда қуйидаги норматив ҳужжатларнинг қабул қилинганини юқори баҳолади: а) Одам савдосининг олдини олишга қаратилган 2015-2016 йиллар учун мўлжалланган ҳаракатлар режаси, 2015 йил; б) Қўмитанинг якуний мулоҳазаларини бажариш бўйича миллий ҳаракатлар режаси, 2010 йил³.

Шу билан бирга, Ўзбекистонга қуйидагилар тавсия қилинди: а) ҳокимиятнинг барча тармоқлари, шу жумладан, суд тизими Конвенция ва Қўмитанинг умумий тавсияларидан етарлича хабардор бўлишини ва улардан гендер тенгликни таъминлаш ҳамда хотин-қизларнинг ҳолатини яхшилашга йўналтирилган қонунлар, сиёсатлар ва суд қарорларини ишлаб чиқишда асос сифатида фойдаланишини таъминлаш; б) Конвенциядан гендер тенгликни таъминлаш бўйича комплекс миллий ҳаракатлар режаси ишлаб чиқиш учун қонунчилик асоси сифатида фойдаланиш ва ушбу режада белгиланган мақсадларга етишишда эришилган ютуқларни мунтазам равишда баҳолаш учун мониторинг механизмларини яратиш ва бошқалар. Бундан ташқари, 23-сонли умумий тавсияда Қўмита барча давлатларни уларнинг сиёсий ва ижти-

¹ <https://lex.uz/docs/2685526>

² <http://hrlibrary.umn.edu/russian/gencomm/Rgeneral25.html>

³ Қўмитанинг 62-сессиясида қабул қилинган Ўзбекистоннинг бешинчи даврий ҳисоботи бўйича якуний мулоҳазалари (2015 йил 26 октябр – 20 ноябр).



мой ҳаётида хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш бўйича барча тегишли чора-тадбирларни кўришга ва, хусусан, хотин-қизлар эркеклар билан тенг шароитда ... ҳукуматнинг сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этишини ҳамда давлат бошқарувида лавозимларни эгаллашини, шунингдек, давлат бошқарувининг барча даражаларида давлатнинг барча вазифаларини амалга оширишни таъминлашга чақирган.

Қўмитанинг тавсияларини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон 2019 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” ва “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларни қабул қилди. Ушбу қонунлар Ўзбекистонда гендер тенглик бўйича қонунчиликни янада такомиллаштириш ва хотин-қизлар ҳолатини яхшилашга қаратилган.

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси олий суди, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт дастурининг қўшма лойиҳаси доирасида суд тизимларида хотин-қизлар иштирокини ошириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва суд тизимида хотин-қизлар иштирокини оширишда энг яхши натижа берган чора-тадбирларни аниқлаш мақсадида тайёрланди.



СУД ТИЗИМЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИШТИРОКИНИ ОШИРИШГА БЎЛГАН ЗАРУРАТ: ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТАҲЛИЛИ

Суд тизимида хотин-қизлар иштирокини ошириш зарурати Ўзбекистоннинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида конвенция, Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси бўйича мажбуриятларидан келиб чиқади. Хусусан, ушбу ҳужжатлар давлат бошқарувида лавозимларни эгаллаш, давлат бошқарувининг барча даражаларида, жумладан, суд тизимида ҳам давлатнинг барча вазифаларини амалга оширишда хотин-қизлар учун имкониятлар тенглигини таъминлаш мажбуриятини юклайди. Ушбу ҳужжатларда хотин-қизлар одил судловга эришишларини таъминлаш учун чора-тадбирларнинг кўрилиши кераклиги белгиланган. Бир қанча ҳужжатларда суд тизимида хотин-қизлар иштирокини ошириш билан боғлиқ қоидалар мавжуд.

CEDAW Қўмитасининг 33-сонли умумий тавсиялари, шунингдек, плюралистик одил судлов механизмлари фаолияти устидан назорат ўрнатиш, унинг натижаларини баҳолаш ва тегишли ҳисоботларни тақдим этиш билан шуғулланувчи органларнинг фаолиятида тенглик асосида ва барча даражаларда хотин-қизлар иштирокини таъминлашни назарда тутди.

БМТнинг Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш бўйича Қўмитаси давлат бошқаруви органлари, хусусан, суд ва ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, ва, айниқса ушбу органларнинг юқори лавозимларида хотин-қизларнинг иштироки етарли эмаслигидан хавотирда эканини билдирган. Қўмита иштирокчи-давлатга хотин-қизлар ва

ТОРАЙТИРУВЧИ ЭШИКЛАР

Ўзбекистон аҳолисининг 51% ни хотин-қизлар ташкил этади

Юридик таълим муассасалари талабаларининг тахминан 18% ни хотин-қизлар ташкил этади

Юридик касб бўйича фаолият юритаётганларнинг тахминан 25,9% ни хотин-қизлар ташкил этади


Ўзбекистон судьяларининг атиги 12,6% ни хотин-қизлар ташкил этади




Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси хотин-қизлар судья, адвокат ва бошқа мансабдор шахс сифатида ишлашлари учун эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлишини таъминлаш мақсадида чора-тадбирлар кўришни талаб қилади (232 (m) банд).

эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида қонун қабул қилишни тезлаштиришни ва бу ҳақида маълумотни ҳуқумат амалдорлари, судьялар ва кенг жамоатчилик орасида тарқатишни тавсия қилади⁴.

⁴ Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмитанинг Ўзбекистоннинг иккинчи даврий ҳисоботи бўйича якуний мулоҳазалари (E/C.12/UZB/CO/2)





Судьяларнинг мустақиллиги тўғрисидаги БМТнинг асосий тамойиллари судьяларни танлашда ушбу шахснинг ирқи, терисининг ранги, жинси, дини, сиёсий ва бошқа эътиқоди, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ, табақавий ва бошқа ҳолатига қараб камситишга йўл қўйилмаслиги кераклигини мустаҳкамлайди.

Суд тизимида хотин-қизлар иштирокини ошириш зарурати БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича махсус маърузачиси Габриэла Кнаульнинг маърузаларида асослаб берилган (А/НRC/17/30). Унинг сўзларига кўра, судлар ва трибуналлар хотин-қизларнинг эҳтиёжларига эътибор қарата олиш ва уларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоясини таъминлай олишлари учун жамият ва хотин-қизларнинг ўзлари суд тизимида ишонишлари керак бўлади. Шу муносабат билан Махсус маърузачи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Наванетем Пиллейнинг одил судловни амалга оширишда, шу жумладан, миллий судлар чиқарадиган қарорларда хотин-қизларнинг иштирокини таъминлашнинг ягона йўли хотин-қизларнинг ҳаётӣ тажрибасидан фойдаланишдан ҳамда **жамиятнинг хилма-хиллигини акс эттирувчи** ва шу сабабли низоларни ҳал этишда **тегишли зийракликни** намоён қиладиган аёл-судьяларни тайинлашдан иборатдир деган фикрига қўшилади.

Шундай қилиб, жамиятнинг хилма-хиллигини акс эттириш суд тизимида бўлган ишонччи уйғотиш ва барча турдаги суд ишларини кўришда хотин-қизларнинг **тажрибаси ва алоҳида эҳтиёжларини** инobatга олишни таъминлаш учун муҳим аҳамият касб этади. Барчага маълумки, агар суд тизими жамиятнинг хилма-хиллигини намоён этувчи виждонли ва холис судьялардан иборат бўлса, судга мурожаат қиладиган хотин-қизлар суд тизимининг хайрихоҳ эканини кўпроқ ҳис қила олишлари мумкин. Шу сабабли суд тизимида фаолият юритувчи хотин-қизларнинг, хусусан, озчиликка мансуб ва кам намоён этилган

гуруҳларга кирувчи хотин-қизларнинг сони етарлича бўлиши керак.

Маърузачи тарихий, маданий, биологик, ижтимоий ёки диний характердаги турли сабабларга кўра хотин-қизларнинг тажрибаси эркакларнинг тажрибасидан фарқ қилишини ва шу сабабли хотин-қизлар гендер стереотипларига қарши курашишни сусайтирмаган ҳолда суд жараёнини ўзгача қараш ва ёндашувлар билан олиб боришлари мумкинлигини таъкидламоқда. Бунинг натижасида суд тизимининг янада хилма-хиллиги судьяларга баъзи муаммоларни ҳал қилишга монелик қилган тўсиқларни олиб ташлаган ҳолда, судлар томонидан кўриб чиқиладиган масалаларга мувозанатли ва холис ёндашишга имкон беради. Барқарор ривожланиш мақсадларининг асосий тамойили ҳисобланган “Ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги керак” лигига ҳам тўғри келадиган манфаатлари намоён этилмаган “гуруҳлар”нинг, жумладан, этник ва бошқа озчиликка кирувчи шахсларнинг иштирокини рағбатлантириш бўйича чоралар кўриш муҳимдир.

Суд ҳокимияти органларида хотин-қизлар иштирокини ошириш – бу Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбурияти бўлиб, хотин-қизларнинг одил судловга эришини ва, умуман олганда, одил судловнинг сифатини ошириш ушбу мажбуриятнинг бажарилишига боғлиқдир. Ўз навбатида, бу мамлакатда гендер тенгликни таъминлашни баҳолашнинг мезонларидан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Суд тизимида хотин-қизларнинг тенг иштирок этишига эришиш учун биринчи навбатда мавжуд тафовутни бартараф этиш ва суд тизимида хотин-қизлар иштирокини босқичма-босқич ошириш бўйича чора-тадбирларни кўриш керак.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, суд тизимида хотин-қизларнинг иштирок этиши гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга⁵, масалан, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик тўғрисидаги ишларни кўришда ҳақиқий ҳисса

⁵ Christine M. Durham, Gender Equality in the Courts: Women’s Work Is Never Done, 57 Fordham L. Rev. 981 (1989) Available at: <http://ir.lawnet.fordham.edu/flr/vol57/iss6/8>





қўшиши мумкин⁶. Аёл-судьяларнинг меҳнат ва бандлик соҳасидаги камситишлар билан боғлиқ барча тоифадаги ишларни кўриб чиқишда иштирок этишлари жуда муҳим ҳисобланади.

Гендер хилма-хиллик ва судларда гендер тафовутнинг кескин эмаслиги (гендер асимметрияси), бир жинс вакилларининг, айниқса, раҳбарлик лавозимларида, аниқ устунлигининг йўқлиги судларнинг гендер сезувчанлигига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Хотин-қизлар суд жараёнини гендер сезувчан қилишга кўмалашадилар⁷, бу эса, ўз навбатида, хотин-қизларнинг одил судловга эришишини яхшилашга олиб келиши мумкин⁸.

Гендер сезувчанлик – бу судларнинг ҳар қандай сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳодисаларнинг гендер жиҳатларини инобатга тутган ҳолда ўлчашни эътиборга олиш. Гендер сезувчанлик жуда муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда одил судловнинг ушбу сифати гендерга оид масалалар орасида кўп муҳокама қилинаётган масалалардан бирига айланди. Аксинча, **гендер бетарафлик** – бу қонунларда, бошқа норматив ҳужжатларда, сиёсий дастурларда, илмий лойиҳаларда, ахборот ёки ўқув материалларида камситувчи қоида ва кўрсатмаларнинг мавжуд эмаслигидир. Шу билан бирга, гендер бетарафлик аслида жинс бўйича камситишнинг йўқлиги деб тушунилган. Бироқ кейинчалик мавҳум ёки умумий тушунчалар ва категориялардан фойдаланиш ҳар доим ҳам қонуний жиҳатдан гендер тенгликни кафолатламаслигини кўрсатди, шунинг учун мавҳум ва умумий тушунчалар (руҳ, идрок, инсон ва бошқа кўплаб тушунчалар) андроцентризм билан ажралиб туради. Ушбу иккинчи маънода, гендер бетарафлик гендер сезувчан бўлмаслик билан

бир маъноли бўлиб қолади⁹. Бундан ташқари, бу гендер кўрлик, яъни сиёсий ва ижтимоий дастурларни, илмий тадқиқотларни, ахборот ва ўқув материалларини ишлаб чиқишда гендер муаммоларини эътиборга олмасликка олиб келиши мумкин¹⁰.

Судларнинг гендер сезувчанлигини таъминлаш, ўз навбатида, давлат имиджига ижобий таъсир кўрсатади ва халқаро органлар томонидан яхши баҳоланишга сабаб бўлади.

Бундан ташқари, аёл-судьялар суд тизимида гендер масалалари бўйича ташаббусларга ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин¹¹. Судлов ҳайъатига раислик қилувчи аёл-судьялар ўзларининг эркак ҳамкасбларини жинс бўйича камситиш билан боғлиқ масалаларни қўллаб-қувватлашга жалб қилиш имкониятига эгадирлар¹².

Шундай қилиб, суд тизимида хотин-қизлар иштирокини ошириш муҳим амалий аҳамият касб этади. Бу нафақат хотин-қизлар ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажариш, балки умуман олганда одил судловнинг сифатини оширишнинг зарурий шартидир, чунки бу турли фикларни билдириш ва уларни инобатга олишни ҳамда ишга янги ёндашувларни жорий этишни таъминлайди.

⁶ Sandra Day O'Connor & Kim K. Azzarelli. Sustainable Development, Rule of Law, and the Impact of Women Judges // Cornell International Law Journal Vol. 44. P. 6.

⁷ Women in judiciary. [Эл. ресурс]: URL: https://shodhganga.inflibnet.ac.in/bitstream/10603/175292/16/16_chapter%206.pdf.


⁸ Policy Brief Women in the Judiciary. A Stepping Stone towards Gender Justice. United Nations. Beirut, 2018. [Эл. ресурс]: URL: <https://www.unescwa.org/publications/women-judiciary-gender-justice-arab-countries>


⁹ http://www.gender.cawater-info.net/knowledge_base/glossary/g.htm

¹⁰ http://www.gender.cawater-info.net/knowledge_base/glossary/g.htm

¹¹ Независимость судей и адвокатов. Записка Генерального секретаря, 2011. (A/66/289). Текст записки доступен на https://www.ohchr.org/Documents/Issues/LJudiciary/GAReport2011_ru.pdf

¹² Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги. Бош котибнинг қайдлари, 2011. (A/66/289). Қайдларнинг матни қуйидаги сайтда мавжуд: https://www.ohchr.org/Documents/Issues/LJudiciary/GAReport2011_ru.pdf





ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР СУД ТИЗИМЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИШТИРОКИ

Вазиятни аниқроқ тушуниш учун гендер статистикасига мурожаат қилиш керак. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг

3-моддасига мувофиқ гендер статистикаси – давлат статистикасининг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркаларнинг ҳолати тўғрисида ҳар бир жинс бўйича алоҳида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олган, ҳар хил жинсдаги шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги тегишли ҳолатини акс эттирадиган, гендер муаммоларини ва жамиятдаги муносабатларни ёритадиган қисми ҳисобланади.

Гендерга алоқадорлигига қараб маълумотларни қўллашда ресурслардан фойдаланишга имконият бериш ва уларни бошқариш,

меҳнат тақсимооти, ҳаракатчанлик, қарорлар қабул қилиш каби соҳаларда гендерга оид муаммолар аниқланади ва ойдинлашади¹³.

Сўнгги йилларда гендер статистикасини юритишга бўлган қизиқишнинг ортишига қарамасдан, суд тизимида гендер статистикасини йиғиш ҳали яхши йўлга қўйилмаган. БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси суд тизимида гендер статистикасини ҳар томонлама тўлиқ юритади¹⁴.

БМТ ЕИКнинг 2017 йилдаги маълумотларига кўра, **ЭНГ КЎП** аёл-судьялар Латвия (суд тизимида фаолият юритувчи умумий ходимлар сонининг 78,6%), Словения (78,4%), Руминия (72,8%), Хорватия (70,6%), Сербия (70,5%) суд тизимларида ва, аксинча, **ЭНГ КАМ** аёл-судьялар Буюк Британия (28,4%), Арманистон (26,1%), Канада (23,5%), Озарбайжон (11,9%) суд тизимларида фаолият юритадилар.

Мамлакат	Аёл-судьяларнинг судьяларнинг умумий сонига нисбати (%)			2000 йилга нисбатан ўсиш/пасайиш	2016 йилга нисбатан ўсиш/пасайиш
	2000 йил	2016 йил	2017 йил		
Латвия	68 %	78,4 %	78,6 %	+10,6 %	+0,2 %
Словения	66,3 %	78,6 %	78,4 %	+12,1 %	-0,2 %
Руминия	69,2 %	73,3 %	72,8 %	+3,6 %	-0,5 %
Хорватия	60,8 %	70,3 %	70,6 %	+9,8 %	+0,3 %
Сербия	70,0 % 2014 й.	70,3 %	70,5 %	+0,5 % 2014 йилга нисбатан	+0,2 %
Буюк Британия	15,6 % 2001 й.	27,5 %	28,4 %	+13,8 % 2001 йилга нисбатан	+1,0 %
Арманистон	21,0 %	25,1 %	26,1 %	+5,1 %	+1,0 %
Канада	11,5 %	25,0 %	23,5 %	+12,0 %	-1,5 %
Лихтенштейн	59,4 % 2011 й.	23,1 %	23,1 %	-36,3 % 2011 йилга нисбатан	0 %
Озарбайжон	12,1 % 2015 й.	12,1 %	11,9 %	-0,2 % 2015 йилга нисбатан	-0,2 %

¹³ http://www.gender.cawater-info.net/knowledge_base/glossary/g.htm

¹⁴ <https://w3.unece.org/PXWeb/ru/Table?IndicatorCode=32#>





Швеция (29,2%), Нидерландия (24,0%), Португалия (21,2%), Австрия (20,7%) ва Ирландия (20,1%) **2000 йилга** нисбатан суд тизимида аёл-судьялар сонининг ўсиши бўйича етакчи мамлакатлар ҳисобланади.




Мамлакат	Аёл-судьяларнинг судьяларнинг умумий сонига нисбати (%)			2000 йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичи	2016 йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичи
	2000 йил	2016 йил	2017 йил		
Швеция	23,1%	50,9%	52,3%	29,2%	1,4%
Нидерландия	41,2%	56,5 % 2015 йилда	65,2% 2016 йилда	24%	8,7%
Португалия	39,2%	59,0%	60,4%	21,2%	1,4%
Австрия	33,3%	53,3%	54,0%	20,7%	0,7%
Ирландия	16,1%	34,6%	36,2%	20,1%	1,6%


Нидерландия (8,7%), Греция (4,7%), Мальта (4,2%), Кипр (2,8%) ва Германия Федератив Республикаси (2,3%) **2016 йилга** нисбатан суд тизимида аёл-судьялар сонининг ўсиши бўйича етакчи мамлакатлар ҳисобланади.



Мамлакат	Аёл-судьяларнинг судьяларнинг умумий сонига нисбати (%)			2016 йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичи	2000 йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичи
	2000 йил	2016 йил	2017 йил		
Нидерландия	41,2%	56,5% 2015 йилда	65,2% 2016 йилда	8,7%	24%
Греция	65,0% 2010 йилда	67,7% 2012 йилда	72,4% 2014 йилда	4,7%	7,4%
Мальта	34,1% 2012 йилда	41,3%	45,5%	4,2%	11,4%
Кипр	37,6% 2015 йилда	47,2% 2015 йилда	50,0%	2,8%	12,4%
Германия	27,7%	42,2% 2014 йилда	44,5% 2016 йилда	2,3%	16,8%

Кўриб турганимиздек, юқорида келтирилган мамлакатларнинг суд тизимида аёл-судьяларнинг сони жуда ҳам фарқ қилади. Шунинг учун, айрим мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш ўрнига қўлланмамининг кейинги қисмида хорижий мамлакатларнинг суд тизимларида хотин-қизлар иштирокини оширишга ёрдам берган энг кенг тарқалган чора-тадбирлар ҳақида гаплашамиз.





ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР СУД ТИЗИМЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИШТИРОКИНИ ОШИРИШГА ЁРДАМ БЕРГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТАҲЛИЛИ

Суд тизимларида хотин-қизларнинг иштирокини ривожлантириш бўйича Европа мамлакатлари турли тарихга эгадир.

XIX асрда Европа қитъаси мамлакатларида қабул қилинган конституцияларда тенглик тамойили эълон қилинган бўлса-да, уларда хотин-қизларнинг таълим олиш ва юридик касбни эгаллаш каби асосий ҳуқуқлари назарда тутилмаган эди. Таълимга ва турли касбларга расмий малака мезонлари тизимнинг тадбиқ этилиши хотин-қизларга белгиланган мезонларга мувофиқлигини кўрсатиш ва натижада маълум лавозимларни эгаллаш имконини яратди.

Социалистик ҳаракатларнинг вужудга келиши хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги кўпроқ тенгликни белгилаган XX асрнинг янги конституциялари учун йўл очди. Хотин-қизларнинг таълим олиш ва маълум лавозимларни эгаллаш ҳуқуқини истисно қилиш бундай ҳолатлар мавжуд бўлган давлатларнинг қонунийлигига бўлган ишончни сусайтирди.

Биринчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг эгалитаризм мақбул бўла бошлади ва янги ижтимоий тартибда хотин-қизларга қимматбаҳо инсон ресурси сифатида қарала бошланди. Иккинчи жаҳон уруши хотин-қизларни жамият ва касбга интеграциялашуви томон ҳаракатни кучайтирди.

Гарчи XX асрнинг бошларида хотин-қизлар юридик касбларни эгаллаш имконига эга бўлган бўлсалар-да, судья, прокурор ва давлат хизматчилари лавозимларини эгаллаш уларга овоз бериш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ эди. Ғарбий Европанинг аксарият мамлакатларида хотин-қизлар Биринчи жаҳон урушигача ёки ундан сўнг (масалан, Финландияда 1906 йилда, Буюк Британияда 1928 йилда), айрим мамлакатларда Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг (масалан, Францияда 1944 йилда, Венгрияда 1945 йилда, Италияда 1946 йилда) ва баъзи мамлакатларда ундан ҳам

кейинроқ (Грецияда 1952 йилда) овоз бериш ҳуқуқига эга бўлдилар. Шарқий Европа мамлакатларидаги коммунистик тартиб Ғарбий Европадан кўра аввалроқ хотин-қизларга юридик касбни эгаллаш имкониятини таъминлаш имконини берди. Бироқ бу ҳар доим ҳам хотин-қизлар яхши лавозимларни эгаллаганини англамаган.

Ўша даврларда Европа мамлакатларида мавжуд бўлган стереотиплардан ташқари, оиладаги ролларни тақсимлаш бўйича анъанавий тушунчалар ҳам хотин-қизларнинг судья лавозимларини эгаллаш имкониятига салбий таъсир кўрсатди.

Бундан ташқари, Европа мамлакатларида хотин-қизларнинг ўта юмшоқ, ҳиссиётларга берилувчан, тахмин қилишга мойиллиги ва уларда холисликнинг етишмаслиги ҳақидаги нотўғри тушунчалар мавжуд эди. Бу эса одил судловни амалга оширишнинг асосий тамойилларига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигига далил сифатида келтирилар эди.

Ушбу тарихий шарт-шароитлар натижасида Европа мамлакатларининг аксарият суд тизимларида аёл-судьялар XX асрга келибгина пайдо бўлишди. Қуйидаги жадвалда хотин-қизлар орасида биринчилардан бўлиб юридик факультетларга ўқишга кирган, уларни тамомлаган хотин-қизлар, биринчи аёл-юристлар, аёл-судьялар ва ҳуқуқшунос олимлар ҳақида умумий маълумотлар берилган.






Мамлакат	Биринчи ...				
	Юридик факультетга ўқишга кирган	Юридик факультетни тамомлаган	... аёл-юрист	... аёл-судья	... аёл-ҳуқуқшунос олим
Бельгия	1882 й.	1923 й.	1921 й.	1948 й.	1933 й.
Чехия Республикаси			1930 й.		
Дания		1919 й.	1933 й.		
Эстония	1905 й.		1935 й.	WWIIдан сўнг	1939 й. (маърузачи)
Финландия	1899 й.	1906 й.	19-аср охирида	1930 й.	1961 й.
Франция	1887 й.	1897 й.	1900 й.	1946 й.	1931 й.
Германия	1900–1908 й.	1912 й.	1925/1926 й.	1927 й.	1965 й. (профессор)
Италия	1976 й.		1919 й.	1963 й.	
Ирландия			1920 й.	1980 й.	
Нидерландия	1897 й.	1901 й.	1903 й.	1947 й.	1932 й.
Норвегия		1890 й.		1968 й. (Олий суд)	
Польша	1915 й.		1925 й.	1929 й.	
Португалия			1918 й.	1974 й.	
Швеция	1912 й.	1897/1918 й.			
Англия/Уэльс	1973 й.	1917 й.	1920–1922 й.	1945 й.	
Шотландия	1906 й.	1912 й.	1919 й.		1990 й.


Манба: Mapping representation of Women and Men in Legal professions across the EU, 2017 йил август

Шундай қилиб, хотин-қизлар XX аср давомида суд тизимида аёл-судьялар сони кўпайишга туртки берган чора-тадбирлар туфайли юқоридаги тўсиқларни енгиб ўтишга мажбур бўлганлар.

Ушбу чора-тадбирлар орасида **юридик таълим муассасаларида талаба қизларнинг сонини кўпайтириш етакчи** ўрин тутди. XX асрнинг биринчи ярмида юридик таълим муассасаларида талаба қизларнинг

сонини нисбатан кам эди. 1970-йилларда уларнинг сони ўса бошлади ва ушбу тенденция 1980-йилларга қадар сақланиб қолди. 1990 йилларга келиб эса юридик таълим муассасаларида таълим олаётган талаба қизларнинг сони бир неча баробарга кўпайди, бу эса, ўз навбатида, адвокатура, нотариат, хусусий юридик фирмалар ва бошқа соҳаларда аёл-юристлар сонининг кўпайишига олиб келди. Бу даврда аёл-юристлар катта муваф-





фақиятга эришдилар ва эркак ҳамкасблари билан муносиб равишда рақобатлаша олдилар.

Шундай қилиб, энг малакали кадрлар бошқа соҳаларни афзал кўра бошлаганлари учун суд тизимлари меҳнат бозорида ўз мавқени йўқота бошлади.

Бошқа тармоқлар билан муносиб рақобатлаша олишлари учун суд тизимлари хотин-қизларнинг **эҳтиёжларини инobatга олган ҳолда, улар учун янада қулай меҳнат шароитларини яратиш бўйича чора-тадбирлар кўришга** мажбур бўлди. Бундай чора-тадбирлар натижасида хусусий сектор ва бошқа соҳаларда фаолият юритаётган хотин-қизлар суд тизимида ишлашни афзал кўра бошлашди. Бундай қулай иш шароитларига қуйидагилар киради: болаларни парваришlash учун кафолатланган таътил, тўлиқ бўлмаган иш кунида ишлаш имконияти ва даромадлар бўйича камситишларнинг йўқлиги (иш ҳақининг қатъий белгиланган даражаси) ва бошқалар.

Шунингдек, судьялик касбини хотин-қизлар учун жозибadorлигини ошириш мақсадида ижтимоий хизматлар тўпламини (тиббий хизматлар учун ҳақни иш берувчи ҳисобидан тўлаш, мактабгача таълим муассасалари/мактабларга ёки ёзги оромгоҳларга болаларни жойлаштиришда имтиёзлар бериш) тақдим этишни, мактабгача ёшдаги болалари бор аёл-судьялар учун устамалар (устамаларнинг миқдори болаларининг ёши ва сонига боғлиқ бўлади) тўлашни ҳам кўриб чиқиш мумкин. Аёл-судьяларни рағбатлантириш сифатида улар ўртасида турли танловларни ташкил этиш ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Бироқ судьялик лавозими учун махсус танлов жараёни мавжудлиги сабабли, аёл-судьяларнинг сони анча паст даражада сақланиб қолаверди. Кўп йиллар давомида судьялик “эркаклар касби” сифатида қаралган нотўғри фикр шаклланган. Судьялик лавозимига танлаш эркаклар томонидан амалга оширилган ва улар номзодларни баҳолаш жараёнида судьялик “эркаклар

Судларда меҳнат шароитини яхшилаш бўйича кўрилган/таклиф қилинаётган чора-тадбирлар тавсифи	Мамлакатлар
Судларнинг иш ҳажми даражасини пасайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар	Грузия ¹⁵
Суд раисларини бошқарув вазифаларидан озод қилиш	Грузия ¹⁶
Болаларни парваришlash учун бериладиган ҳақ тўланадиган таътилнинг муддатини узайтириш	Грузия ¹⁷
Судларда мослашувчан иш жадвалини жорий этиш	Грузия ¹⁸
Бола туғилганидан сўнг ва у маълум бир ёшга тўлгунга қадар бўлган даврда тўлиқ бўлмаган иш вақтидан фойдаланиш имкониятини жорий этиш (болани парваришlash учун бериладиган таътилнинг ўрнига)	Буюк Британия, Мексика, Венгрия, Канада ¹⁹
Хизмат фаолиятдан ажралмаган ҳолда малакасини ошириш учун онлайн тренинглар (аёллар лидерлиги, тайм-менежмент ва бошқа мавзулардаги тренингларни инobatга олган ҳолда) ва онлайн режимда таълим олишни рағбатлантириш (айниқса туғруқдан кейинги даврда)	Корея, Швеция ²⁰

¹⁵ <https://www.coe.int/en/web/tbilisi/-/why-women-judges-are-underrepresented-in-the-management-of-the-common-courts-in-georgia-the-council-of-europe-has-published-a-study>

¹⁶ <https://www.coe.int/en/web/tbilisi/-/why-women-judges-are-underrepresented-in-the-management-of-the-common-courts-in-georgia-the-council-of-europe-has-published-a-study>

¹⁷ <https://www.coe.int/en/web/tbilisi/-/why-women-judges-are-underrepresented-in-the-management-of-the-common-courts-in-georgia-the-council-of-europe-has-published-a-study>

¹⁸ <https://www.coe.int/en/web/tbilisi/-/why-women-judges-are-underrepresented-in-the-management-of-the-common-courts-in-georgia-the-council-of-europe-has-published-a-study>

¹⁹ OECD Toolkit for Mainstreaming and Implementing Gender Equality Implementing the 2015 OECD Recommendation on Gender Equality in Public Life. – OECD, P. 107. <https://www.oecd.org/gov/toolkit-for-mainstreaming-and-implementing-gender-equality.pdf>

²⁰ OECD Toolkit for Mainstreaming and Implementing Gender Equality Implementing the 2015 OECD Recommendation on Gender Equality in Public Life. – OECD, P. 107. <https://www.oecd.org/gov/toolkit-for-mainstreaming-and-implementing-gender-equality.pdf>





касби” деган нотўғри фикрдан келиб чиқиб, эркак номзодларни ташлашни афзал кўрганлар. Бунинг натижасида “эркаклар эркакларни танлайдиган” ёпиқ доира ҳосил бўлган. Вазиятни ўзгартириш учун **судьялик лавозимига номзодларни танлаш тартибининг шаффофлиги ва очиқлигини оширишга** қаратилган чора-тадбирлар кўрилган.

Энг аввало, судьялик лавозимига номзодларни танлашга ваколатли орган мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотни хотин-қизлар ўртасида тарқатиш бўйича мақсадли ишларни амалга оширишни бошлади. Бундан кўзланган мақсад минимал мезонларга жавоб берадиган имкон қадар кўпроқ хотин-қизлар судьялик лавозимига ҳужжатлар топшириш орқали эркак номзодлар билан рақобатлашишни таъминлашдан иборат эди.

Ушбу ишни самарали ташкил этиш учун суд тизимлари **аёл-юристар билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича**, жуладан, тадбирларда иштирок этиш учун уларни таклиф этиш, махсус адабиётларни тарқатиш ва шунга ўхшаш тадбирлар орқали фаол ҳаракатлар қила бошлади.

Аммо юқорида келтирилган ёпиқ доира сабабли ушбу чора аёл-судьялар сонининг сезиларли даражада кўпайишига олиб келмади. Шунинг учун **квота тизимини** жорий қилиш масаласи кенг муҳокама қилинмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, квота тизими **судьяларни танлаш ва тайинлаш учун маъсул бўлган органларда** ҳам, судьяларни танлаш ва тайинлаш механизмларига ҳам жорий қилинган.

2014 йилнинг апрель ойида Тенг имкониятлар бўйича қўмита (**Италия**) Италия Судьялар олий кенгашига аъзоларни танлаш тартибини белгиловчи қонунга гендер квоталарини ўрнатишни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритишни таклиф қилди²¹.

Онтариода (Канада) янада хилма-хил ҳисобланган суд тизимини яратишга фаол ёндашув

1988 йилда Онтарио провинциясида Судьяларни тайинлаш бўйича маслаҳат қўмитаси (Judicial Appointments Advisory Committee) ташкил этилди. Қўмита ўз эълонларида Онтарио аҳолисининг хилма-хиллигини акс эттирадиган номзодларни излаётганини аниқ кўрсатган ҳолда бўш иш ўринлари ҳақида кенг реклама қилди. Қўмита ўз мақсадига эришиш учун миқдорий чекловларни қўлламади, аммо судья лавозимига номзодларни тавсия қилиш бўйича қарор қабул қилишда қўлланиладиган баҳолаш мезонларида демографик масалалар ҳисобга олинди. Бундан ташқари, Қўмита номзодларнинг анъанавий юридик хизмат билан боғлиқ бўлмаган иш тажрибасига ҳам эътибор қарата бошлади ва судлардаги катта иш тажрибаси асосий кўрсаткич эмаслигини тан олди. Онтарионинг Бош прокурори ҳам ўн йилдан кўп иш тажрибасига эга провинциянинг барча аёл-адвокатларига мактуб йўллаш орқали танлов жараёнларида шахсан ўзи иштирок эта бошлади. Бундан кўзланган мақсад судья лавозими учун ўтказиладиган танловда хотин-қизлар иштирок этишлари учун уларни ундаш эди. Қўмита ўз ишини бошлаган пайтда Онтарио судьяларининг атиги 4% ини хотин-қизлар ташкил этган эди. Икки йилдан сўнг Қўмитанинг тавсияси билан тайинланган судьяларнинг 32% ини хотин-қизлар ташкил этди ва ундан кейинги икки йилда ушбу кўрсаткич 46% га етди.


Манба: Thomas, Cheryl (2005): *Judicial diversity in the United Kingdom and other jurisdictions: A review of research, policy and practice.* Commission for Judicial Appointments: London, UK.


Францияда судьяларни ишга қабул қилиш ва уларни хизмат поғоналари бўйича кўтариш бўйича танлов комиссияларининг таркибига гендер тенглик жорий қилинди²². Австралияда ҳам хотин-қизларни танлов комиссиялари таркибига киритишга қарор қилинди. Бу Адлия вазирлигининг Гендерни тарғиб қилиш бўйича ҳаракатлар режасида акс этган²³. Шу

²¹ Women in the Italian Judiciary by Maria Gabriella Lucciolli – Women and the Judiciary Three perspectives - Permanent Mission of Italy to the United Nations, 2015.

²² OECD Toolkit for Mainstreaming and Implementing Gender Equality Implementing the 2015 OECD Recommendation on Gender Equality in Public Life. – OECD, P. 103. <https://www.oecd.org/gov/toolkit-for-mainstreaming-and-implementing-gender-equality.pdf>

²³ Gender Mainstreaming Action Plan of the Ministry of Justice Prepared by the Gender Mainstreaming Action Group of the Ministry of Justice in cooperation with the Cambodia Criminal Justice Assistance Project. 2009–2013. – С. 20. [Эл. пецып]: URL: <http://extwprlegs1.fao.org/docs/pdf/cam152504.pdf>





билан бирга, суд тизимида гендер мувозанатга эришишни таъминлаш танлов комиссиянинг олдида қўйилган вазифаси бўлиб, ушбу вазифа комиссия тўғрисидаги низомда аниқ белгиланган.

Аёл-судьяларни танлаш учун квота тизимини жорий этиш кенг тан олинмаган. Шу сабабли бундай тизимларни жорий этиш ҳозирги кунга қадар кўп жиҳатдан муҳокама қилинмоқда. Натижада аёл-судьяларни танлаш учун бундай квота тизимлари халқаро судларда (Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, Халқаро жиноят суди²⁴) кўпроқ учрайди, аксинча, миллий суд тизимларида эса нисбатан кам учрайди.

Бельгия Конституциявий судга аёл-судьяларни танлаш учун квота тизимини муваффақиятли татбиқ этди. Бироқ дастлаб ушбу тизим **Бельгия Судьялар олий кенгашида** ишлаб кетганини таъкидлаш лозим. Қонунга мувофиқ, Бельгия Судьялар олий кенгаши 4 нафар хотин-қизлар ва 4 нафар эркаклардан иборат бўлиши керак.

Италия Судьялар олий кенгашининг 2014 йил 2 апрелдаги қарори билан юқори лавозимларни эгаллаш ва вакиллик органларида иштирок этишлари учун хотин-қизларга вақтинчалик устунлик бериш учун бир қатор ижобий чора-тадбирлар, хусусан, кечиктириб бўлмайдиган устунлик сифатида гендер квотасини қабул қилди²⁵.

Хотин-қизлар учун Миллий стратегияга мувофиқ **Иорданияда** хотин-қизларнинг ҳуқуқий соҳа ва судларда иштирокини 20% га етказиш мақсад қилиб қўйилган.

Ироқда БМТ Хавфсизлик кенгашининг Хотин-қизлар тўғрисидаги 1325-сонли резолюциясини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режасида хотин-қизлар учун, жумладан, суд тизимида ҳам 30 фоизлик квота белгиланган.

Аёл-судьялар сони бўйича Европада энг паст кўрсаткичга эга бўлган давлатлардан бири бўлган **Буюк Британияда** (2014 йил ҳо-

Бельгия Конституциявий судида гендер квоталари

Бельгия парламенти томонидан 2014 йил 4 апрелда қабул қилинган қонун Конституциявий судни шакллантиришда квота тизимини жорий этишни назарда тутган. Ушбу қонун Суд таркибида ҳар бир жинс вакили энг камида учдан бир қисмини ташкил этиши кераклигини талаб қилади. Аммо ушбу талаб Суднинг таркибида аёл-судьяларнинг сони умумий судьялар сонининг камида учдан бир қисмини ташкил этганидан сўнггина кучга киради. Шу билан бирга, аввалги икки тайинлаш Суд таркибида етарли миқдорга эга бўлмаган жинс вакиллари учун уларнинг сонини кўпайтирмас, ушбу жинс вакили ҳисобланган шахс судья этиб тайинланади. Масалан, агар Суд таркибида хотин-қизларнинг иштироки етарли бўлмаса ва кейинги икки тайинланган шахслар эркаклар бўлса, учинси судья аёл-судья бўлиши керак.

Манба: <http://ohrh.law.ox.ac.uk/belgian-parliament-introduces-sex-quota-in-constitutional-court/>

латига кўра) 2014 йилда хотин-қизлар, афро-америкаликлар ва этник озчилик вакиллари учун суд тизимига квота тизимини жорий этиш тўғрисида таклиф илгари сурилди²⁶. Бироқ Лордлар палатасининг Конституциявий кўмитаси ушбу таклифни тўлиқ рад этди ва бунинг ўрнига агар беш йил ичида судьялар орасида хотин-қизлар ва этник озчилик вакилларининг сони кўпаймаса, ихтиёрий миқдорий мақсадларни белгилаш масаласини кўриб чиқишни таклиф этди. Шу билан бирга, ҳозирги вақтда Буюк Британияда судьялар орасида гендер тенгликка 2033 йилга келиб эришилади деган фикрлар мавжуд²⁷.

Гарчи хотин-қизларнинг сони юқори суд истанцияларида кам бўлса-да, магистрларнинг аксарияти хотин-қизлар экани билан **Франциядаги** вазият фарқ қилади. Ушбу вазият Савадет қонунининг нормаларини (2011 йилда қабул қилинган ушбу қонун айрим компаниялар, давлат бошқарув органлари учун 40 % гача гендер квоталарини белгилайди) суд тизимига татбиқ этиш имкониятларини

²⁴ Nienke Grossman. Achieving Sex-Representative International Court Benches, American Journal of International Law. 82 (2016).

²⁵ The Advancement of Women in the Judiciary by Livia Pomodoro – Women and the Judiciary Three perspectives – Permanent Mission of Italy to the United Nations, 2015.

²⁶ https://jac.judiciary.gov.uk/sites/default/files/sync/news/accelerating_change_finalrev_0.pdf

²⁷ <https://www.theguardian.com/law/2019/nov/23/supreme-court-presidents-predicts-gender-parity-in-judiciary-by-2033>





ўрганишни талаб қилди. Ўрганиш натижаларига кўра, махсус комиссия бу таклифни **рад этди** ва буни суд тизимида гендер квоталарини самарали амалга ошириш учун номзодлар сони етарли даражада эмаслиги билан асослади²⁸.

Испанияда ҳам давлат бошқарувида гендер квоталари мавжуд бўлиб, ушбу квоталарни суд тизимига ҳам жорий этиш масалалари муҳокама қилинган. Тузилган комиссия бир қатор таклифлар ишлаб чиқди. Улар орасида “(турли жинсдаги) номзодлар бир хил билим ва кўникмаларга эга бўлган ҳолларда гендер тенгликни таъминлаш мақсадида қўлланилиши керак бўлган гендер квотаси тизимини жорий этиш” таклифи ҳам бор эди. Ушбу таклиф ҳам **инобатга олинмади**²⁹.

Бизнинг фикримизча, гендер квоталари жамиятда хотин-қизлар ҳолатини яхшилаш ва уларнинг ҳаётнинг барча соҳаларида иштирок этиши учун шарт-шароитлар мавжуд бўлганда бошқа воситалар билан биргаликда яхши ишлайдиган восита ҳисобланади.

Квоталар ўз-ўзидан қарор қабул қилишда иштирок этишни таъминлай олмайди, аммо улар учун бундай стереотипларни ўзгартиришга ёрдам беради. Шу сабабли, квоталар орқали ўзларининг мисолида салбий гендер стереотипларни йўқ қилишга ва бошқа хотин-қизларни улар кам иштирок этадиган соҳаларга жалб қилишга ҳисса қўша оладиган энг иқтидорли ва ўқимишли хотин-қизларни рағбатлантиришни таъминлаш лозим. Стереотипларни ўзгартиришдан ташқари, хотин-қизларни ўқитиш ва оилавий мажбуриятларини касбий фаолият билан биргаликда олиб бориш учун шароит яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, квоталар олий юридик таълимда жинслар ўртасидаги мавжуд тафовут бартараф этилгандагина самарали бўлади. Маълум соҳаларда хотин-қизлар иштирокини ошириш учун, аввало

таълимнинг тегишли соҳаларида, ушбу ҳолатда эса юридик таълимда гендер бўйича тафовутни пасайтиришни таъминлаш муҳим.

Гендер квоталарини жорий этиш тарафдорлари ва бунга қаршиларнинг асословлари

ТАРАФДОРЛАР

Квоталар иш беради ва самарали ҳисобланади, чунки улар вақт билан чекланган махсус чоралар бўлиб, шунингдек, уларга риоя қилмаслик учун жавобгарликни назарда тутиш мумкин.

Бундай квоталар суд тизимида аллақачон қўлланиб келинмоқда (баъзи давлатларда ҳудудий ва диний квоталар мавжуд).

Квота моделларининг хилма-хиллиги ва уларни такомиллаштириш учун имконият уларни мавжуд реалликни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилмайдиган қулай воситаларга айлантиради.

ҚАРШИЛАР

Квоталар хотин-қизлар ва эркакларнинг тенглиги тўғрисидаги қонунчиликка зид бўлиши мумкин.

Квоталар меритократияга асосланган судьяларни танлаш тизимининг ишончилигига путур етказиши ва бу билан суд хизматлари сифатини пасайтириши мумкин.


Квоталар энгиллик бериш хусусиятига эга ва судьяликка номзодлар талабларга мослиги бўйича эмас, балки уларнинг жинси бўйича қабул қилинади деган таассурот уйғотиши мумкин.


Аёл-судьялар ассоциациясининг **салоҳияти ва инфратузилмасини такомиллаштириш** орқали нетворкинг³⁰ ва мураббийликни ривожлантириш, судьялик лавозимларида хотин-қизлар сонини кўпайтиришнинг ижо-

²⁸ http://www.conseil-superieur-magistrature.fr/sites/default/files/rapports_activite/csm_rapport_activite_2012.pdf

²⁹ <http://timeforequality.org/dossier-women-and-the-judiciary-in-italy/donne-e-magistratura-in-italia-e-nel-mondo-en/the-glass-ceiling-in-the-spanish-judiciary/>

³⁰ Нетворкинг маълум бир соҳада ишлайдиган ёки алоқага эга бўлган дўстлар ва танишлар доираси ёрдамида мураккаб ҳаётий муаммоларни (масалан, болани мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш, иш топиш, бўлажак турмуш ўртоғи билан танишиш) ва бизнес масалаларни (масалан, мижозларни топиш, энг яхши ходимларни ишга олиш, инвесторларни жалб қилиш) имкон қадар тез ва самарали ҳал этишни таъминлашга қаратилган ижтимоий ва касбий фаолият ҳисобланади. Шу билан бирга, одамлар билан ишончи ва узоқ муддатли муносабатларни ўрнатиш ва ўзаро ёрдам бериш нетворкингнинг моҳиятини ташкил этади.





бий омилларидан бири сифатида қаралмоқда. Бундай ассоциацияларнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- судьялар (ҳам аёл, ҳам эркак судьялар учун), шунингдек, юриспруденция соҳасида фаолият юритувчи бошқа мутахассислар учун гендер мавзусида тренинг дастурларини ишлаб чиқиш ва тренинглар ўтказиш;
- аёл-судьяларни қўллаб-қувватлаш (айниқса, иш фаолиятининг бошида);
- аёл-судьялар дуч келадиган қийинчиликларни ўрганиш, уларни бартараф этишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни суд тизимини ислоҳ қилиш муаммоларига бағишланган турли форумларда муҳокама қилиш;
- судьяликка бўш лавозимлар тўғрисидаги маълумотларни тарқатишда аёл-юристлар билан ўзаро алоқада бўлиш, ушбу лавозимларни эгаллаш учун ҳужжатлар топширишга кўмаклашиш ва ҳоказо.

Бундай ассоциацияларнинг тажрибали аъзолари ёш авлод учун намуна бўлиши ва бу эса аёл-судьялар сонининг кўпайишига билвосита таъсир кўрсатиши мумкин.

Масалан, Иордания, Тунис ва Марокашдаги Аёл-судьялар ассоциациялари ўзларининг суд тизимлари гендер жиҳатдан сезувчан бўлиши учун ташаббусларни фаол қўллаб-қувватладилар, ташкиллаштирдилар ва тарғиб қилдилар³¹.

Юқорида таъкидланганидек, аёл-судьялар сонини кўпайтиришда олий юридик таълим муассасаларида талаба қизлар сонининг кўпайиши муҳим роль ўйнади. Шу билан бирга, Судьялар ва Адвокатларнинг Халқаро Женева Форуми иштирокчилари **юридик таълим муассасаларининг таълим дастурларига тизимли олиб бориладиган гендер сезувчанлик бўйича тренинглар ва гендер масалалари бўйича тренингларни киритиш орқали** суд тизимининг гендер сезувчанлигини ошириш зарурлигини таъкидладилар³².

Аёл-судьялар сонини кўпайтириш бўйича турли мамлакатлар томонидан кўрилган юқорида қайд этилган чора-тадбирлар тармоқлараро чора-тадбирлар бўлиб, кўпинча суд тизимларига кирмайдиган органларнинг иштирокини талаб этади. Шу сабабли, суд тизимига хотин-қизларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар ҳар хил гендер стратегиялари кўринишида қабул қилинади ва уларда аниқ мақсадлар ва вазифалар, тадбирлар ва уларни амалга ошириш учун масъул бўлган органлар, ривожланишни кузатиб бориш ва баҳолаш механизмлари ва ҳоказолар белгилаб қўйилган бўлади.

Суд тизимида хотин-қизлар иштирокини оширишга қаратилган ўрганиб чиқилган стратегияларнинг аксарияти қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- хотин-қизларнинг одил судловга эришиши;
- хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш;
- одил судлов тизимида хотин-қизлар иштирокини ошириш;
- ривожланишни кузатиб бориш ва баҳолаш ва ҳоказо.

Шундай қилиб, суд тизимида хотин-қизлар иштирокини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш керак:

- юридик таълим соҳасидаги гендер тафовутни бартараф этиш;
- номзодлар қабул қилинадиган ва судьялар захираси шакллантириладиган тузилмалар ва юридик касбларда хотин-қизлар иштирокини ошириш;
- танлов комиссияларининг таркибида гендер хилма-хилликни таъминлаш ва судларда гендер мувозанатга эришиш комиссиянинг асосий вазифаларидан бири экани ҳақида комиссия тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш орқали комиссия фаолиятини такомиллаштириш;
- судьялик касбини хотин-қизлар учун жозибадорлигини ошириш мақсадида меҳнат шароитларини яхшилаш.

³¹ <https://arabdevelopmentportal.com/sites/default/files/publication/956.women-judiciary-gender-justice-arab-countries-english.pdf>

³² Schultz, Ulrike (2013): Introduction: Gender and Judging: Overview and Synthesis.





Мамлакат	Гендер стратегиясининг номланиши	Қабул қилинган йили
Иордания ³³	2013-2017 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар бўйича миллий стратегия	2013 й.
Арманистон ³⁴	Суд тизимида гендер тенглик ва гендер мувозанатни тарғиб қилиш бўйича ҳаракатлар режаси (Арманистон судьялар раислари кенгаши томонидан қабул қилинган)	2015 й.
Чили ³⁵	Суд тизимида гендерни тарғиб қилиш бўйича ҳаракатлар режаси	2015 й.
Швеция	2016-2018 йилларга мўлжалланган Судларга гендер тенгликни интеграция қилиш бўйича ҳаракатлар режаси	2016 й.
Арманистон ³⁶	Суд тизимида гендер тенглик ва гендер мувозанатни таъминлаш бўйича режа Арманистон суд раислари кенгаши томонидан қабул қилинган.	2015 й.
Франция ³⁷	Франция Адлия Вазирлиги ҳар йили гендер тенглик бўйича режани қабул қилади.	ҳар йили
Буюк Британия Бирлашган қироллиги	2018-2019 йилларга мўлжалланган Судлар таркибида хилма-хиллик бўйича ҳаракатлар режаси. Бундан аввалги режалар 2013-2016 йиллар ва 2016-2017 йиллар учун қабул қилинган эди. Режалар судлар хилма-хиллиги бўйича махсус кўмита томонидан қабул қилинади . Статистик маълумотларни йиғиш ва ҳисобга олиш доимий равишда олиб борилади . Қиролликнинг Олий суди ҳам гендер тенглиги масалаларига алоҳида эътибор қаратади . Бу суднинг йиллик ҳисоботларида акс этган . 2016 йилда Олий суд томонидан “Тенгликни рағбатлантириш, хилма-хилликни ҳурмат қилиш ” стратегияси қабул қилинди .	Вақти-вақти билан, ҳар 2-3 йилда
Австралия ⁴⁴	Адлия вазирлигининг гендерни тарғиб қилиш бўйича ҳаракатлар режаси. Режанинг мақсадларидан бири 2013 йилга келиб аёл-судьяларнинг сонини 5 % га, аёл-клерклар сонини эса 7 % га кўпайтириш эди. Яъни квота ўрнига кўрсатилган муддат давомида маълум фоизга секин-аста ошириш белгиланган.	2009 й.
Уганда ⁴⁵	“Уганда суд тизими учун гендер ва одил судловга эришиш бўйича стратегия”. Гендер стратегияси	2003 й.

³³ Policy Brief. Women in the Judiciary. A Stepping Stone towards Gender Justice. UN, Beirut, 2018. – P. 10. [Эл. пусуца]: URL: <https://www.unescwa.org/publications/women-judiciary-gender-justice-arab-countries>

³⁴ Barriers, remedies and good practices for women’s access to justice in five eastern partnership countries.

³⁵ <https://www.oecd.org/gender/governance/toolkit/judiciary/comprehensive-framework/course-of-action/>

³⁶ Barriers, remedies and good practices for women’s access to justice in five eastern partnership countries. Prepared in the framework of the project Improving Women’s Access to Justice in Five Eastern Partnership Countries. – С. 8. [Эл. пусуца]: URL: <https://rm.coe.int/16806b0f41>

³⁷ <https://www.oecd.org/gender/governance/toolkit/judiciary/comprehensive-framework/course-of-action/>

³⁸ <https://www.judiciary.uk/wp-content/uploads/2018/06/judicial-diversity-committee-of-the-judges-council-annual-report-2018.pdf>


³⁹ <https://www.judiciary.uk/about-the-judiciary/who-are-the-judiciary/diversity/judicial-diversity-statistics-2019/>


⁴⁰ <https://www.supremecourt.uk/about/planning-and-governance.html>

⁴¹ <https://www.supremecourt.uk/docs/annual-report-2018-19.pdf>

⁴² <https://www.supremecourt.uk/about/equality-and-diversity.html>

⁴³ Gender Mainstreaming Action Plan of the Ministry of Justice Prepared by the Gender Mainstreaming Action Group of the Ministry of Justice in cooperation with the Cambodia Criminal Justice Assistance Project ~ 2009 ~ 2009 – 2013. [Эл. пусуца]: URL: <http://extwprlegs1.fao.org/docs/pdf/cam152504.pdf>





ХУЛОСАЛАР

Суд тизимларида хотин-қизлар иштирокини ошириш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш аёл-судьялар иштирокининг турли даражаларини ва уларнинг сонини оширишга таъсир қилувчи турли омилларни кўрсатди. Бундай тафовутлар, асосан, мамлакатларнинг тарихий жиҳатлари ва ривожланиш шароитларига боғлиқ.

Таҳлил қилинган мавзу доирасида қабул қилинган чора-тадбирлар асосан бир хил бўлиб, судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашнинг шаффофлиги ва ошкоралиги даражасини оширишга, суд тизимида меҳнат шароитини яхшилашга, хотин-қизлар томонидан юридик таълимга эга бўлишини оширишга ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашни мақсад қилган турли ташкилотларни ташкил этиш ҳамда нетворкингни рағбатлантиришга қаратилган. Аслида ушбу чора-тадбирлар таълим олишдан юқори мансабга кўтарилгунга қадар бўлган барча босқичларни ўз ичига олади.

Тажрибаси ўрганилган хорижий давлатларда юридик таълим муассасаларида битирувчи қизлар сонини кўпайтириш хотин-қизларнинг юридик касбларни эгаллашини ошириш соҳасидаги асосий омил бўлгани тақдим этилган таҳлилда кўриниб турибди. Юридик таълим муассасаларида талаба қизлар сонини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар асосан “хотин-қизлар касби” ҳақидаги анъанавий стереотипларнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, уларни ўрганиш ушбу тадқиқот доирасига кирмайди.

Юридик ҳамжамиятда баҳс-мунозарага сабабчи бўлаётган аёл-судьялар учун квота тизимида қўлланилиши вақт билан чегараланган ва суд тизимларида аёл-судьяларнинг сони бўйича аниқ мақсадларга эришишни кўзлаган “умидсиз ёки шошилиш” чора сифатида қаралади. Хорижий мамлакатлар тажрибасининг таҳлили кўпгина хорижий мамлакатларнинг суд тизими аёл-судьялар учун квота тизимини жорий этишни қўллаб-қувватламаслигини кўрсатди. Улар ўз позицияларини юриспруденция соҳасида хотин-қизлар-

нинг сони етарли даражада эмаслиги билан асослайдилар. Шу сабабли айрим давлатларда квота тизимининг ўрнига мақсадли кўрсаткич тизимларини жорий қилиш таклиф қилинмоқда. Яъни “барча судларда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квотага эришиш” ўрнига “2025 йилга қадар аёл-судьялар сонини 5 фоизга ошириш” вазифаси қўйилади.

Бироқ биринчи навбатдаги чора сифатида ўрганилган мамлакатларнинг бир қанчасида судьяларни танлаш ва тайинлаш учун масъул бўлган орган аъзолари учун гендер квота тизимини жорий этиш қўллаб-қувватланган. Ўзбекистонда бундай орган Судьялар олий кенгаши ҳисобланади.

Судья лавозимида номзодларни тайёрлайдиган ўқув муассасасига “тенг шароитларда” деган қоидани жорий этиш яна бир чора ҳисобланади. Ушбу қоидага мувофиқ, “тенг шароитларда аёл номзодлар ўқишга қабул қилинади”. Ўзбекистонда бундай таълим муассасаси Судьялар олий кенгаши қошидаги Судьялар олий мактаби ҳисобланади. 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистонда судьялар фақат Судьялар олий мактаби тингловчилари орасидан тайинланишини инобатга олган ҳолда, мазкур чора суд тизимида хотин-қизлар иштирокини яхшилаш бўйича кейинги чора-тадбирлар учун зарур бўлган аёл-судьяларнинг катта қисмини шакллантириш имконини беради.

Суд тизими ходимлари орасида хотин-қизлар сонини ошириш яна бир самарали усул ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳозирги аёл-судьяларнинг катта қисми ўз фаолиятларини судларда (турли лавозимларда) бошлаганлар. Шу билан бирга, суд ходимларини ишга қабул қилиш механизми етарлича шаффоф эмас ва ходимлар суд раислари томонидан қабул қилинади. Ушбу механизмнинг шаффофлиги ва ошкоралигини ошириш учун юқорида келтирилган “тенг шароитларда” қоидасига амал қилган ҳолда суд ходимларини марказлаштирилган тартибда танлаш ва ишга қабул қилиш имкониятини кўриб чиқиш мумкин.






Судьялар захираси шаклантириладиган ва судьяликка номзодлар танлаб олинадиган тузилмаларда (яъни барча юридик касбларда) ҳам хотин-қизлар сонини ошириш муҳим ҳисобланади.


Касбий фаолият билан бирга оиладаги вазифаларини бир вақтда муваффақиятли олиб бориш имконини таъминлаш мақсадида аёл-судьяларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, хотин-қизлар учун судьялик касбининг жозибадорлигини ошириш муҳим омил ҳисобланади.

Кўпгина МДХ мамлакатларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам Судьялар ассоциацияси фаолият юритади. Судьялар ассоциацияси 1997 йилда ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилот бўлиб, унинг асосий мақсади судьяларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг малакасини ошириш ва суд ҳокимияти имиджини мустаҳкамлаш ҳисобланади. Ушбу Ассоциация бюджет тушумлари ва бошқа тақиқланмаган манбалар ҳисобидан молиялаштирилади. Барча судьяларни бирлаштирган Ўзбекистон Судьялар ассоциацияси фаолият юритиб турган бир пайтда жинс бўйича аъзоликни назарда тутувчи яна бир ташкилотни тузиш мақсадга мувофиқ эмасдек туюлиши мумкин. Бунинг ўрнига ассоциация иштирокчиларининг доирасини кенгайтириш (нафақат судьялар, балки суд ходимларини ҳам аъзоликка қабул қилиш) ва унинг таркибида Ўзбекистон суд-

ларининг аёл-судьялари ва аёл-ходимлари масалалари билан шуғулланадиган бўлинма тузиш мақсадида Ўзбекистон Судьялар ассоциациясининг мақсад ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш имкониятларини назарда тутувчи таклиф илгари сурилади (сиёсий партиялар, уларнинг аёллар қаноти каби). Шунингдек, Ассоциация фаолиятини, хусусан, Ўзбекистон Республикаси суд тизимида хотин-қизларни қўллаб-қувватловчи тадбирларни қўшимча равишда молиялаштириш масаласини ҳам кўриб чиқиш керак. Қуйидагилар шулар жумласидан: суд тизимида хотин-қизлар иштирокига оид статистик маълумотларни доимий равишда йиғиш ва таҳлил қилиш, гендер мавзусида тренинглар ўтказиш, одил судловнинг гендер жиҳатлари бўйича маълумотлар нашр этиш, давра суҳбатлари ўтказиш.

Мавжуд стереотипларни қайта кўриб чиқиш ва хотин-қизлар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш учун юридик таълим муассасаларида гендер масалалари бўйича ўқитиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли гендер масалаларига оид махсус курсларни, жумладан, хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар, қонунчиликнинг гендер экспертизаси, глобал (БРМ) ва миллий ривожланиш стратегияларида гендер масалалари каби курсларни ишлаб чиқиш ва уларни юридик таълим муассасаларининг ўқув дастурларига жорий этиш зарурати мавжуд.





ИЛОВАЛАР


1-илова. Суд тизимида хотин-қизлар иштирокига оид халқаро ҳужжатлар қоидаларининг таҳлили


1. Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида конвенция, 7-модда Қўмитанинг умумий тавсиялари CEDAW №23	7-модда Иштирокчи-давлатлар мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш юзасидан барча тегишли чораларни кўрадилар, жумладан, хотин-қизларга эркаклар билан тенг шарт-шароитлар асосида қуйидаги ҳуқуқларни таъминлайдилар: (b) давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашиш ҳамда давлат лавозимларини эгаллаш, шунингдек, давлат бошқарувининг барча бўғинларида давлат вазифаларини амалга ошириш;
2. БРМ 5	Вазифа: гендер тенгликни ва барча даражаларда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ҳамда имкониятларини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида оқилона стратегия ва риоя қилиниши шарт бўлган қонунлар қабул қилиш ва уларни такомиллаштириш. Индикатор: бошқарув лавозимларида хотин-қизларнинг улуши.
3. Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси, 192 (g)	Барча ёшдаги хотин-қизлар учун мансаб поғонасидан кўтарилиш дастурларини ишлаб чиқиш.
4. Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси, 195 (d)	Камситилмайдиган иш муносабатларининг пайдо бўлишига ва ишлаш ҳамда бошқарувнинг турли хил услубларини ҳурмат қилишга кўмаклашиш учун гендер масалаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда хотин-қизлар ва эркакларни ўқитишни ташкил этиш.
5. Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси, 124 (h) -банд	Зўравонликка учраган хотин-қизларга одил судлов механизмларидан фойдаланиш имконини бериш.
6. CEDAW Қўмитасининг 33-сонли умумий тавсиялари	с) тегишли ишларни кўриб чиқишда одил судлов тизими ходимлари томонидан ишнинг гендер жиҳатларини ҳисобга олишни таъминлаш; g) тарафлар ўртасида тенгликни таъминлаш мақсадида хотин-қизларга судларда ишларни адолатли кўриб чиқиш имконини бермайдиган ҳокимият ваколатларини тақсимлашнинг барча соҳаларида исботлаш мажбариятига оид қоидаларни қайта кўриб чиқиш; d) гендер омилларни ҳисобга олган ҳолда хотин-қизларга нисбатан низоларни ҳал қилишнинг барқарор амалиётини шакллантиришга таъсир қилувчи тегишли ва самарали амалга ошириш механизмлари билан биргаликда ҳуқуқий ҳимоя воситаларини зудлик билан тақдим этишни таъминлаш; Маълумотларни йиғиш: ii) барча даражадаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар ва судларга ўхшаш органларда ишловчи хотин-қизлар ва эркакларнинг сони; iii) аёл-адвокатлар ва эркак-адвокатларнинг , жумладан, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланадиган адвокатларнинг сони ва ҳудудлар бўйича тақсимланиши;





	<p>iv) ариза берувчининг жинсини кўрсатган ҳолда судларга, судларга ўхшаш органларга ва маъмурий органларга тақдим этилган даъво аризалари ва шикоятларнинг сони ва хусусияти;</p> <p>е) хотин-қизларнинг одил судловга эришишиларига ёрдам берувчи ёки, аксинча, тўсқинлик қилувчи методлар, тартиб-таомиллар ва суд амалиётини аниқлаш мақсадида фуқаролик жамияти ташкилотлари ва илмий институтлар билан ҳамкорликда сифатли илмий изланишлар ва танқидий гендер таҳлилини олиб бориш ва буни рағбатлантириш;</p> <p>ф) одил судлов тизимининг барча тузилмалари фаолиятида, фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини инобатга олишда ва ҳисоботларида гендер масалаларини ҳисобга олишни таъминлаш учун, устувор йўналишларни танлашда, норматив қоидаларни, қонунчилик нормаларини ва тартиб-таомилларни ишлаб чиқишда бундай таҳлил натижаларини мунтазам равишда қўллаш.</p>
7. Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси, 232 (m)	...хотин-қизлар судья, адвокат ва суднинг бошқа мансабдор шахси сифатида ишлашда эркаклар билан бир хил ҳуқуққа эга бўлишларини таъминлаш...
8. CEDAW Қўмитасининг 33-сонли умумий тавсиялари	60. ... (ii) бундай муассасаларнинг ходимлар таркиби ва фаолияти гендер хусусиятини акс эттиришини таъминлаш;
	64. ... f) одил судловнинг плюралистик механизми фаолияти устидан назорат олиб борадиган , унинг натижаларини баҳолайдиган ва тегишли ҳисоботлар тақдим этадиган органларнинг барча босқичларида ва тенглик асосида хотин-қизлар иштирокини таъминлаш ;
9. 2012 йилдаги БМТ БА 67/1-сонли Резолюцияси	16. Хотин-қизлар эркаклар билан тенглик асосида қонун устуворлигининг афзалликларидан тўлиқ фойдаланишларини таъминлаш муҳимлигини тан оламиз ва уларнинг тенглигини ҳимоя қилиш, шунингдек, уларнинг тўлиқ ва тенг иштироки, шу жумладан, одил судлов тизими ва бошқарувида ҳам иштироки учун қонунлардан фойдаланиш мажбуриятини оламиз; хотин-қизларга нисбатан камситиш, зўравонликнинг ҳар қандай шаклини бартараф этиш ва олдини олиш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини ҳамда одил судловга эришишга тўлиқ имкониятни таъминлаш учун тегишли ҳуқуқий, қонуний асосларни яратишга содиқлигимизни билдирамыз.
10. Судьялар мустақиллиги бўйича БМТнинг асосий тамойиллари	Малака, танлаб олиш ва тайёрлаш 10. Судларда лавозимларга танланган шахслар юксак ахлоқий савия, қобилятга, шунингдек, ҳуқуқ соҳасида тегишли таёргарлик ва малакага эга бўлиши керак. Судьяларни танлаб олишнинг ҳар қандай усули ҳуқуққа хилоф асосларга кўра судьяларнинг тайинланмаслигини кафолатлаши керак. Судьяларни танлаб олишда ушбу шахс унинг ирқи, терисининг ранги, жинси , дини, сиёсий ва бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ, синфӣ ёки бошқа ҳолатига кўра камситилмаслиги лозим . Аммо юридик касбларга номзоднинг тегишли давлатнинг фуқароси бўлиши кераклиги тўғрисидаги талаб камситиш деб қаралмаслиги лозим.







11. Судьялар мустақиллиги бўйича БМТ махсус маърузачисининг мандатига оид Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашнинг 35/11-сонли Резолюцияси
- Махсус маърузачи ўзининг ваколатига асосан (е) ўз ишида гендер масалаларини ҳисобга олиши шарт.
12. Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги масалалари бўйича Махсус маърузачи Габриэла Кнаульнинг маърузаси (А/НRC/17/30)
- 1. Суд тизимида хотин-қизларнинг мос равишда иштирокини таъминлаш**
48. Судлар ва трибуналлар хотин-қизлар эҳтиёжларига эътибор беришлари ҳамда уларнинг инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш учун жамият ва хотин-қизларнинг ўзлари суд тизимига ишонишлари жуда муҳим. Шу муносабат билан Махсус маърузачи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Наванетем Пиллейнинг одил судловни амалга оширишда, шу жумладан, миллий судлар чиқарадиган қарорларда хотин-қизларнинг иштирокини таъминлашнинг ягона **йўли хотин-қизларнинг ҳаётий тажрибасидан фойдаланишдан ҳамда жамиятнинг хилма-хиллигини акс эттирувчи ва шу сабабли низоларни ҳал этишда тегишли зийракликни намоён қиладиган аёл-судьяларни тайинлашдан иборатдир деган фикрига қўшилади.**
49. Шундай қилиб, жамиятнинг хилма-хиллигини акс эттириш суд тизимига бўлган ишончни уйғотиш ва барча турдаги суд ишларини кўришда хотин-қизларнинг тажрибаси, алоҳида эҳтиёжларини инobatга олишни таъминлаш учун муҳим аҳамият касб этади. Барчага маълумки, агар суд тизими жамиятнинг хилма-хиллигини намоён этувчи виждонли ва холис судьялардан иборат бўлса, судга мурожаат қиладиган хотин-қизлар суд тизимининг хайрихоҳ эканини кўпроқ ҳис қила олишлари мумкин. **Шу сабабли суд тизимида фаолият юритувчи хотин-қизларнинг, хусусан, озчиликка мансуб ва кам намоён этилган гуруҳларга кирувчи хотин-қизларнинг сони етарлича бўлиши керак.**
52. Суд тизимида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш учун қўшимча чора-тадбирлар зарур. Судья, прокурор этиб тайинлаш ёки адвокатлар рўйхатига киритилиши учун хотин-қизларни танлаб олишда муаммолар мавжуд бўлган жойларда жалб қилинадиган **хотин-қизлар доирасини кенгайтириш ва соҳалардаги ўзаро ҳаракатларни йўлга қўйиш каби креатив стратегияларни қўллаш зарур.**
63. Махсус маърузачи давлатларни бундай қонунларга барча давлат органлари риоя қилиши устидан назоратни амалга оширишни таклиф қиладди ва суд ҳокимиятининг барча даражаларида **суд тизимида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг равишда иштирок этиши учун** барча муҳим чораларни кўришга чақиради. Хотин-қизларнинг судлардаги лавозимларда етарлича иштирок этиши бўйича қўшимча тадқиқотлар олиб бориш зарур.
13. Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги масалалари бўйича Махсус маърузачи Габриэла Кнаульнинг маърузаси (А/НRC/17/30)
87. ...е) судья, прокурор, адвокат, ҳимоя қилувчи ва суд ходимлари вазифасини бажарувчи, **суд тизими доирасида ҳаракат қилувчи асосий шахс сифатида жамиятнинг турли қатламларидан хотин-қизлар (ва эркаклар) иштирокини рағбатлантириш.**





14. Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашнинг 17/2-сонли резолюциясига мувофиқ тақдим этилган Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги масалалари бўйича Махсус маърузачи Габриэла Кнаульнинг оралиқ маърузаси (A/66/289)
24. Ушбу лавозимларга тайинланган хотин-қизлар ўз ҳамкасблари ва умуман жамият томонидан жинси бўйича камситишларга ва хурофотларга ҳам дуч келдилар. Уларнинг хатти-ҳаракатлари жиддий таҳлил ва қаттиқ танқидларга учрайди, уларнинг малакаси эркак ҳамкасбларининг малакасига қараганда кўпроқ шубҳа остига олинади ва уларнинг объективлигига кўпинча шубҳа билан қаралади. **Хотин-қизлар кўпинча танлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб**, анъанавий равишда хотин-қизлар билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ соҳаларида, масалан, оила ҳуқуқи каби ҳуқуқ соҳасидаги кичик ишлар билан шуғулланишга ёки **қўйи инстанция судларида** ишлашга мажбур бўладилар.
26. Суд тизимида хотин-қизлар иштирокини ошириш муҳим эканини кўрсатувчи бир қатор асослар мавжуд. Суд ҳокимиятининг асосий вазифаси тенглик ва адолатни таъминлашдан иборат эканидан келиб чиқиб, судларнинг ва суд ҳокимиятига кирувчи бошқа органларнинг таркиби давлатнинг тенгликни таъминлаш тарафдори эканини акс эттириши керак. **Суд ҳокимияти, шунингдек**, ўзининг қонунийлиги, холислиги ва нуфузига жамоатчиликнинг ишончини сақлаб қолиш ва кучайтириш мақсадида **жамиятнинг хилма-хиллигини намоён этган ҳолда ўзи хизмат қиладиган плюралистик жамият ва ҳамжамиятнинг адолатли иштирокини кўрсатиши керак.**
27. Бундан ташқари, хотин-қизларнинг хатти-ҳаракатлари эркакларники сингари уларнинг келиб чиқиши ва тажрибаларига боғлиқ бўлади. Тарихий, маданий, биологик, ижтимоий ёки диний характердаги турли сабабларга кўра, хотин-қизларнинг тажрибаси эркакларнинг тажрибасидан фарқ қилади ва **шу сабабли хотин-қизлар гендер стереотипларига қарши курашишни сусайтирмаган ҳолда суд жараёнини ўзгача қараш ва ёндашувлар билан олиб боришлари мумкин.** Бунинг натижасида суд тизимининг янада хилма-хиллиги судьяларга баъзи муаммоларни ҳаққоний ҳал қилишга монелик қилган тўсиқларни олиб ташлаган ҳолда судлар томонидан кўриб чиқиладиган масалаларга мувозанатли ва холис ёндашишга имкон беради. Айнан мана шу асос манфаатлари кам намоён этилган “гуруҳлар”нинг, хусусан, этник жиҳатдан, ирқ ва жинси бўйича озчиликни ташкил этувчи шахсларнинг иштирокини рағбатлантириш учун ҳам қўлланилиши мумкин.
15. Ўзбекистоннинг бешинчи даврий ҳисоботини кўриб чиқиш якунлари бўйича CEDAW Қўмитасининг якуний мулоҳазалари, 2015 йил
14. Ковенциянинг 4 (1)-моддасига ҳавола қилган ҳолда ва вақтинчалик махсус чоралар тўғрисидаги ўзининг 25-сонли (2004 йил) умумий тавсияларини эсга олиб, Қўмита иштирокчи-давлатга қуйидагиларни тавсия қилади:
- (а) давлат органининг барча тегишли мансабдор шахслари ва раҳбарларига вақтинчалик махсус чораларни тушунтиришни ва бажаришнинг аниқ муддатларини кўрсатган ҳолда мақсадларни белгилашни, **хотин-қизлар етарлича иштирок этмайдиган ёки ёмон ҳолатда бўлган барча соҳаларда**, шу жумладан, ижтимоий ва сиёсий ҳаёт ва таълим, соғлиқни сақлаш ва бандлик соҳаларида **хотин-қизлар ва эркакларнинг амалда тенглигига эришиш учун** квоталар жорий этишни ва шунга ўхшаш бошқа чора-тадбирларни қабул қилиш ва амалга оширишни;
- б) мавжуд вақтинчалик махсус чора-тадбирларнинг самарасиз қўлланилишининг асосий сабабларини бартараф этишни ва бундай чоралардан ҳам давлат, ҳам хусусий секторда фойдаланишни рағбатлантирувчи қонун қабул қилишни.





16. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий масалалар бўйича Қўмитанинг Ўзбекистоннинг иккинчи даврий ҳисоботи бўйича якуний мулоҳазалари (E/C.12/UZB/CO/2)
- Гендер тенглик**
11. Қўмита иштирокчи-давлат хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қилмаганидан ва хотин-қизлар ҳали-ханузгача давлат бошқарув органларида, хусусан, **суд ҳокимияти ва ижро ҳокимияти органларида ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ва айниқса юқори лавозимларда кам иштирок этаётганидан хавотирда**. Шу муносабат билан, Қўмита жамиятда аёл ва эркакнинг жамият ва оиладаги вазифасига оид чуқур илдиз отган стереотиплар хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини амалга оширишга салбий таъсир кўрсатаётганини хавотир билан қайд этади. (3-, 6- ва 13-моддалар).
Қўмита иштирокчи-давлатга қуйидагиларни тавсия қилади:
а) хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятлари тўғрисида қонун қабул қилишни тезлаштиришни ва ушбу қонун тўғрисида маълумотларни **ҳукумат мансабдор шахслари, судьялар ва кенг жамоатчилик орасида** тарқатишни таъминлашни;
б) **давлат органлари** ва хусусий секторда ва, **айниқса, қарорлар қабул қилиш ваколатига эга юқори лавозимларда хотин-қизларнинг тенг иштирок этишини рағбатлантириш мақсадида** сиёсат олиб боришни ва ўқув ва маърифий-ахборот фаолиятини амалга оширишни;
с) эркаклар ва хотин-қизларнинг ролига нисбатан чуқур ўрнашиб қолган жамоатчилик нутаи-назарини мансаб поғоналарида кўтарилиш соҳасида эркаклар ва хотин-қизларни тенг имкониятлар билан таъминлаш анъанага кўра у ёки бу жинс вакиллари кўп бўлган соҳалардан ташқари бошқа соҳалар бўйича умумий касбий тайёргарликка таъсир қилиши мумкинлигига эркак ва хотин-қизларнинг эътиборини жалб қилиш, шунингдек, оилада мажбуриятларнинг тенг ўрнатилишига таъсир қилиш орқали ўзгартириш бўйича ҳаракатларни кучайтиришни.
17. Ўзбекистоннинг тўртинчи даврий ҳисоботи бўйича якуний мулоҳазалар CAT/C/UZB/CO/4
18. Қўмита хотин-қизларга нисбатан зўравонлик, айниқса, оиладаги зўравонлик бўйича хавотирда эканини маълум қилади (10-модда). Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, шу жумладан, бундай зўравонлик учун жиноий **жавобгарлик белгилаш ва хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қилиш, шунингдек, жабрланувчиларни ҳимоя қилишни кучайтириш, уларни одил судловга**, тегишли тиббий, ижтимоий ва юридик ёрдам олиш ва бошпанага эга бўлиш имкониятини таъминлашга қаратилган ҳаракатларни жадаллаштириш лозим.
18. Ўзбекистоннинг учинчи даврий ҳисоботини кўриб чиқиш якуни бўйича ИХҚ/УДТ тавсиялари ⁴⁶
- 101.172 бошқарув лавозимларида хотин-қизлар иштирокини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар билан бир қаторда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришни икки баробар кучайтириш (Покистон);
101.181 гендер зўравонликка, хусусан, мамлакатнинг бутун ҳудудида, жумладан, қишлоқ жойларда ҳам эрта никоҳ қуриш ва оиладаги зўравонликка қарши самарали курашиш учун аниқ чора-тадбирлар қабул қилиш (Бельгия);
101.183 хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш бўйича кейинги чора-тадбирларни кўриш (Италия);
101.184 хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш учун, жумладан, тегишли қонунчилик доирасида комплекс чора-тадбирлар кўриш (Қирғизистон).


⁴⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг Ўзбекистоннинг учинчи ҳисоботини кўриб чиқиш якуни бўйича тавсияларининг матни билан қуйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин: <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/G18/208/52/PDF/G1820852.pdf?OpenElement>






2-илова. Хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро ҳужжатлар

№	Ҳужжатнинг номи	Ҳужжат ҳақида маълумот	Ўзбекистон Республикасининг иштироки ҳақида маълумот
УМУМИЙ ҲУЖЖАТЛАР			
1.	Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариға барҳам бериш тўғрисида конвенция, 1979 й. (ХҚКББК/ CEDAW)	<p>Конвенция 1979 йилда қабул қилинган. Уни кўпинча “Хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича билл” деб номлашади.</p> <p>Конвенцияда қуйидаги тушунчалар мустаҳкамланган: хотин-қизларға нисбатан камситиш (1-модда), вақтинчалик махсус чора-тадбирлар (квоталарни инobatга олган ҳолда, 4-модда). Салбий стереотипларға барҳам бериш бўйича чора-тадбирлар қабул қилишни назарда тутди (5-модда). Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда хотин-қизлар ҳуқуқларини ва уларни таъминлаш бўйича давлатнинг мажбуриятини мустаҳкамлайди.</p> <p>Хотин-қизларни камситишға барҳам бериш бўйича Қўмита (ХҚКББК) Конвенцияни амалга ошириш бўйича назоратни олиб боради. Қўмита иштирокчи-давлатлар томонидан сайланадиган 23 та мутахассисдан таркиб топган. Қўмитанинг фаолияти ҳам Конвенция билан тартибга солинади.</p> <p>Камида ҳар 4 йилда иштирокчи-давлатлар Қўмитага Конвенция қоидаларини бажариш бўйича кўрилган чора-тадбирлар акс эттирилган миллий ҳисобот тақдим этишлари шарт. Қўмита томонидан ҳисоботлар кўриб чиқилгандан сўнг якуний мулоҳазалар берилади.</p> <p>Якуний мулоҳазаларни инobatга олган ҳолда иштирокчи-давлатлар хотин-қизлар ҳолатини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирлар кўради. Одатда миллий ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилади.</p> <p>1999 йил 6 октябрда Конвенцияға доир Факультатив протокол қабул қилинди ва у 2000 йил 22 декабрда кучға кирди. Факультатив протокол Конвенция қоидалари бузилгани тўғрисида якка тартибдаги шикоятларни кўриб чиқиш механизмини белгилаган. Ўзбекистон протоколни ратификация қилмаган.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияға Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги 87-1-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 1979 йил 18 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариға барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияға қўшилиши ҳақида»ги қарорига асосан қўшилган.</p> <p>(Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 18 августда кучға кирган).</p> <p>Бугунги кунға келиб, Ўзбекистон Конвенция қоидаларининг бажарилиши тўғрисида 6 та ҳисоботни Хотин-қизларни камситишға барҳам бериш бўйича Қўмитаға тақдим этган.</p> <p>2019 йилда Ўзбекистоннинг Олтинчи ҳисоботи тақдим этилди.</p> <p>Ҳисоботда сўнги йилларда Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида маълумот берилган.</p>







№	Хужжатнинг номи	Хужжат ҳақида маълумот	Ўзбекистон Республикасининг иштироки ҳақида маълумот
2.	Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш бўйича БМТ Қўмитасининг умумий тавсиялари	<p>Қўмита, шунингдек, иштирокчи-давлатларга хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш бўйича умумий тавсиялар беради. Умумий тавсияларга Конвенция қоидаларига шарҳ сифатида қараш мумкин. Уларда Конвенциянинг у ёки бу қоидаларига изоҳлар ва қоидаларни қўллаш бўйича тавсиялар берилади.</p> <p>Конвенцияни яхшироқ тушуниш учун умумий тавсиялар билан танишиб чиқиш муҳим. Уларда квоталарни қўллаш, зўравонликка қарши чоралар кўриш, маълум ҳуқуқни таъминлаш, миллий ҳисоботни тайёрлаш бўйича тушунтиришлар берилади.</p> <p>Сўнгги йилларда умумий тавсиялар асосан хотин-қизларнинг заиф тоифаларига – ногиронлар, мигрантлар, кекса ёшлилар, қишлоқда яшовчи хотин-қизлар, можароларга аралашиб қолган хотин-қизларга бағишланган.</p>	
3.	Пекин декларацияси ва ҳаракатлар платформаси, 1995 й. (ПДХП)	<p>1995 йил 4- 15 сентябрь кунлари Хотин-қизларнинг ҳолати бўйича тўртинчи бутунжаҳон конференцияда Пекинда қабул қилинган. Хужжатда “Хавотирга соладиган ўн икки муҳим соҳалар” бўйича хотин-қизларнинг ҳолатини яхшилаш ва гендер тенгликни тарғиб қилиш учун қатъий чоралар кўрилиши керак бўлган 12 та муҳим муаммолар мавжуд соҳалар белгиланган. Ҳар бир муҳим соҳанинг муаммолари таҳлил қилинган ва турли органлар томонидан қабул қилинадиган аниқ чора-тадбирлар кўрсатилган стратегик мақсадлар тақдим этилган. Бундай чора-тадбирлар стратегик мақсадларга эришиш учун амалга оширилади.</p> <p>Аслини олиб қараганда, ушбу хужжат 1979 йилги Конвенция қоидаларини мустаҳкамлаш ва уларга аниқлик киритишга қаратилган бўлиб, уларни халқаро, минтақавий ва миллий даражада амалга оширишнинг чинакам режасини ифодалайди.</p> <p>ПДХПнинг ҳуқуқий табиати ва мажбурийлиги тўғрисида гапирадиган бўлсак, унинг қоидалари мажбурий, чунки Пекин конференциясининг якуний хужжатларида қўлланилган сўзлар мажбурият юкловчи ҳисобланади. Бундан ташқари, Пекин ҳаракатлар платформаси давлатлар ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилишин</p>	<p>2019 йилда Ўзбекистонда ҳисоботни тайёрлаш бўйича миллий консультациялар ўтказилди.</p> <p>Ўзбекистон 2019 йилда ҳисобот тақдим этди.</p>





№	Ҳужжатнинг номи	Ҳужжат ҳақида маълумот	Ўзбекистон Республикасининг иштироки ҳақида маълумот
		<p>назорат қилиш механизмларини назарда тутати, хусусан, БМТ тизимида уч босқичли ҳукуматлараро мониторинг механизмини яратди. Унга БМТ Бош Ассамблеяси, БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши ва БМТнинг Хотин-қизлар ҳолати бўйича комиссияси киради. Ушбу механизм хотин-қизлар ҳолатини яхшилаш бўйича Пекин ҳаракатлар платформаси қоидаларини амалга оширишнинг умумий сиёсатини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш ваколатига эга. Ҳар 5 йилда давлатлар ПДҲП қоидаларини бажариш бўйича ҳисоботлар тақдим этади.</p>	
МЕҲНАТ СОҲАСИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ҲУЖЖАТЛАР			
4.	Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисида ХМТнинг Конвенцияси, 1951 й. (100-сонли Конвенция)	Халқаро меҳнат ташкилоти Бош конференциясининг ўттиз тўртинчи сессиясида 1951 йил 29 июнда қабул қилинган.	Мазкур Конвенция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 493-І-сонли «Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш ҳақида»ги Қарори билан ратификация қилинган.
5.	Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида ХМТ Конвенцияси (2000 йилда қайта кўриб чиқилган) (103-сонли Конвенция);	Конвенция 1952 йилда қабул қилинган. Бироқ 2000 йилда қайта кўриб чиқилиб, Аналикни муҳофаза қилиш тўғрисида 183-сонли Конвенция қабул қилинган. Ўзбекистон 1952 йилги конвенцияни ратификация қилган. Ҳозирда 183-сонли Конвенцияни ратификация қилиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Ушбу Ковенция яқинда қабул қилингани ва барча янги тенденцияларни ҳисобга олгани сабабли у замонавий ҳақиқатларга кўпроқ мос келади, деб ҳисобланади. 1952 йилги Конвенция эса бошқа шарт-шароитлар мавжуд бўлган урушдан кейинги даврда қабул қилинган.	Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги 85-І-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 1919 йилда Женевада қабул қилинган ва 1952 йил 28 июнда қайта кўриб чиқилган Аналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 103-Конвенцияга қўшилиши ҳақида»ги Қарорига асосан қўшилган.







№	Хужжатнинг номи	Хужжат ҳақида маълумот	Ўзбекистон Республикасининг иштироки ҳақида маълумот
6.	Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисида Конвенция, 1958 й. (111-сонли Конвенция)	Халқаро меҳнат ташкилоти Бош конференциясининг қирқ иккинчи сессиясида 1958 йил 25 июнда қабул қилинган.	Мазкур Конвенция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 499-I-сонли «Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш ҳақида»ги Қарори билан ратификация қилинган.
ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ҲУЖЖАТЛАР			
7.	Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида конвенция, 1952 й.	Бош Ассамблеянинг 640 (VII)-сонли резолюцияси билан 1952 йил 20 декабрда қабул қилинган. Конвенция хотин-қизларнинг сайлаш ва сайланиш, шунингдек, жамоат ва давлат органларида лавозимлар эгаллаш ҳамда миллий қонунлар билан белгилаб қўйилган барча жамоат ва давлат вазифларини бажариш ҳуқуқини мустаҳкамлайди.	Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 501-I-сонли «Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиш ҳақида»ги қарорига асосан қўшилган.
ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ОДАМ САВДОСИДАН (ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ШАКЛИ СИФАТИДА) ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ОИД ҲУЖЖАТЛАР			
8.	БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясига қўшимча равишда одам савдоси, айниқса, хотин-қизлар ва болалар савдосининг олдини олиш ва уни фож этиш ҳамда бунинг учун жазолаш тўғрисидаги протокол, Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь	Бош Ассамблеянинг 55/25-сонли резолюцияси билан 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган.	Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июлдаги ЎРҚ-160-сонли Қонуни билан ратификация қилинган.





№	Ҳужжатнинг номи	Ҳужжат ҳақида маълумот	Ўзбекистон Республикасининг иштироки ҳақида маълумот
9.	Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушлиқдан фойдаланилишига қарши курашиш тўғрисида конвенция, Лейк Саксес, Нью-Йорк, 1950 йил 21 март	Бош Ассамблеянинг 317 (IV)-сонли резолюцияси билан 1949 йил 2 декабрда қабул қилинган.	Мазкур Конвенция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 12 декабрдаги 576-II-сонли «Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушлиқдан фойдаланилишига қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияга ва Яқунловчи баённомага қўшилиш ҳақида»ги қарори билан ратификация қилинган.





3-илова. “ГЕНДЕР ВА ОДИЛ СУДЛОВ” мавзуси бўйича ГЛОССАРИЙ

Гендер

Гендер тушунчаси энг умумий кўринишда, биологик жинсдан келиб чиқиб жамият одамлар бажариши учун белгилаб кўйган ижтимоий ва маданий нормалар йиғиндисидир. Хотин-қизлар ва эркаларнинг психологик хусусиятларини, хулқ-атвор моделларини, фаолият турларини, касбларини охир-оқибат биологик жинс эмас, балки ижтимоий-маданий нормалар белгилайди. Жамиятда эркак ёки аёл бўлиш нафақат баъзи анатомик хусусиятларга эга бўлишни, балки биз учун белгилаб берилган у ёки бу гендер ролларни бажаришни англатади⁴⁷.

Гендер

Хотин-қизлар ва эркалар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан? сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати. (Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, 3-модда⁴⁸).

Гендер тенглик

Эркак ва хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларининг тенглиги, мажбуриятларнинг, меҳнат ҳажмининг, даромаднинг тенг тақсимланиши, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларга ҳамда қарор қабул қилишда тенг имкониятга эга бўлиш. Гендер тенглик тушунчаси барча инсонлар танлаш ва гендер роллари ва стереотиплари билан боғлиқ бўлган чекловларсиз шахсий қобилятини ривожлантириш эркинлигига эга эканларини; хотин-қизлар ва эркаларнинг ҳар хил хатти-ҳаракатлари, қарашлари ва эҳтиёжлари бир хил даражада қабул қилинишини, қадрланишини ва қўллаб-қувватланишини англатади. Гендер тенгликка эришиш усуллари ушбу жамият учун хос бўлган кўпгина ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий омиллардан келиб чиқиб фарқланади.⁴⁹

Гендер тенг ҳуқуқлилик, хотин-қизлар ва эркаларнинг тенг ҳуқуқлари

Гендер тенгликка эришиш учун ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳуқуқларнинг расмий-ҳуқуқий тенглигини таъминлаш лозим. Тенг ҳуқуқлилик – бу воситадир. Тенглик якуний натижа бўлиб, унга қонунда мустаҳкамланган тенг ҳуқуқлилик махсус ижтимоий дастурлар орқали мустаҳкалансагина эришилади. Масалан, кредитлашнинг гендер сезувчанлик шартларини инобатга олган ҳолда тадбиркор хотин-қизларни мақсадли ўқитиш ресурслардан фойдаланишда тенгликни таъминлаш мақсадида гендер тенг ҳуқуқлиликни намоён этади. Давлат органлари ёки хусусий секторда гендер мувозанатга эришиш учун ижобий ҳаракатлар дастурини амалга ошириш гендер тенг ҳуқуқлиликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшади ва якуний натижа ҳисобланган гендер тенгликка эришиш йўлида ишлайди.

Гендер тенгсизлик

Ижтимоий тузилманинг ўзига хос хусусияти бўлиб, унга кўра турли хил ижтимоий гуруҳлар (ушбу ҳолатда эркалар ва хотин-қизлар) барқарор фарқларга ва уларнинг натижасида жамиятда тенг бўлмаган имкониятларга эга ҳисобланади⁵⁰.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари / Хотин-қизлар учун инсон ҳуқуқлари, хотин-қизлар ҳуқуқлари

“Women's human rights”, яъни хотин-қизлар ҳуқуқлари концепти инсон ҳуқуқларининг барча турларини, шунингдек, биринчидан оналик билан, иккинчидан эса хотин-қизларга нисбатан камситишни бартараф қилиш зарурати билан боғлиқ бўлган махсус ҳуқуқларни ўз ичига олади. Бу кўп маъноли концепт ҳали ҳам ўзбек тилига “хотин-қизларга нисбатан инсон ҳуқуқлари” ёки “хотин-қизлар учун инсон ҳуқуқлари” деган ноаниқ иборалар билан таржима қилинаётган бўлсада, уни “хотин-қизлар ҳуқуқлари” деб содда сўз бирикмаси билан алмаштириш янги ва муҳим маънони йўқотишга олиб келади⁵¹.

⁴⁷ http://www.gender.cawater-info.net/knowledge_base/glossary/g.htm

⁴⁸ <https://lex.uz/docs/4494873>

⁴⁹ <http://www.owl.ru/gender/270.htm>

⁵⁰ Ўша ерда

⁵¹ http://www.gender.cawater-info.net/knowledge_base/glossary/g.htm





Гендер стереотиплари

Гендер стереотиплар – бу “ҳақиқий” эркак ва “ҳақиқий” аёлга хос бўлган фазилатлар, хусусиятлар ва хатти-ҳаракатлар меъёрлари тўғрисида маданий ва ижтимоий жиҳатдан белгиланган тасаввурлар (эътиқодлар, фикрлар, мулоҳазалар) тўпламидир.

Гендер тафовут

Хотин-қизлар ва эркакларнинг иштироки, имкониятлари, яъни ресурслар, ҳуқуқлар, муқофотлар ёки манфаатларга имкониятлари нуқтаи назаридан улар ўртасидаги ҳар қандай соҳадаги тафовут.

Гендер бетарафлик

Дастлаб гендер бетарафлик атамаси қонун ҳужжатларида, норматив ҳужжатларда, сиёсий дастурларда, ахборот ёки таълим материалларида камситувчи қоидалар ёки кўрсатмаларнинг йўқлигини англатган. Шу билан бирга, гендер бетарафлик аслида жинс бўйича камситишнинг йўқлиги деб тушунилган. Кейинчалик, феминистлар мавҳум ёки умумий тушунча ва категориялардан фойдаланиш ҳар доим ҳам расмий гендер тенглигини кафолатламаслигини кўрсатди. Ушбу иккинчи маънода, гендер бетарафлик гендер сезувчан бўлмаслик билан бир хил бўлиб чиқади⁵².

Гендер кўрлик

Сиёсий ва ижтимоий дастурларни, илмий тадқиқотларни, ахборот ва ўқув материалларини ишлаб чиқишда гендер муаммоларни эътиборга олмасликни англатувчи метафора⁵³.

Гендер сезувчанлик

Ҳар қандай сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳодисаларнинг гендер ўлчовини эътиборга (ҳисобга) олиш.

Камситиш

Муайян ижтимоий гуруҳ аъзолари мана шу гуруҳга мансублиги сабабли уларнинг тенг ҳуқуқларга эга бўлишига, тенг имкониятларни қўлга киритишига ва ресурслардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишига тўсқинлик қиладиган ҳаракатлар ва амалиётлардир. Турли хил хусусиятлар, жумладан, ирқий, этник ёки диний мансублик, жинс, ёш,

яшаш жойи ва бошқа хусусиятлар салбий муносабатларни келтириб чиқариши мумкин. Уларнинг асосида “камситувчи” амалиётларни оқлайдиган ирқий, миллий, гендер стереотиплари ва нотўғри фикрлар шаклланади⁵⁴.

Жинс бўйича камситиш

Бир жинсни бошқа жинсдан афзал кўриш амалиёти. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, камситиш деганда жинсга ёки жамиятда қабул қилинган гендер қадриятлар, нормалар ва стереотипларга асосланган ва имкониятлар тенглигига салбий таъсир кўрсатадиган ҳар қандай фарк, истисно ёки афзаллик тушунилади.

Жинс бўйича бевосита камситиш

Жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш, шу жумладан, оилавий ҳолати, ҳомиладорлиги, оилавий мажбуриятлари туфайли камситиш, шунингдек, шахвоний шилқимлик қилиш, тенг меҳнат ва малака учун ҳар хил ҳақ тўлаш.

Жинс бўйича билвосита камситиш

Бир жинсдаги шахсларни бошқа жинсдаги шахсларга нисбатан ноқулайроқ ҳолатга тушириб қўядиган вазиятларни, ҳолатларни ёки мезонларни яратиш, шу жумладан, гендер тенгсизликни омавий ахборот воситалари, таълим, маданият орқали тарғиб этиш, муайян жинсдаги шахслар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган шарт-шароитлар ёхуд талаблар белгилаш.

Ижобий камситиш/ Ижобий ёки қўллаб-қувватловчи ҳаракатлар


Ижобий камситиш “аффирматив ҳаракатлар” билан бир хил маънога эга бўлган атама. Аффирматив ҳаракатлар – ноқулай ҳолатда бўлган гуруҳлар учун ҳақиқий тенгликни таъминлаш имкониятларидан бири. Аффирматив ҳаракатларга тенгликка эришилгунга қадар вақтинчалик чора сифатида қаралиши лозим.


Қўллаб-қувватловчи ёки ижобий ҳаракатлар ёки чора-тадбирлар деганда аҳолининг айрим гуруҳлари тенгсизлигининг салбий оқибатларини компенсация қилишга ва амалда тенг имконият-

⁵² Ўша ерда

⁵³ Ўша ерда

⁵⁴ Ўша ерда





ларга эришишга қаратилган вақтинчалик махсус сиёсат ва дастурлар тушунилади.

Хотин-қизлар учун меҳнат бозоридаги аксарият ижобий дастурларнинг мақсади уларнинг ноанъанавий соҳаларга, яъни илгари фақат эркаклар бажарган ишларга, шунингдек, кўп ойлик иш ҳақи тўланадиган ва обрўли лавозимларда ишлашга хотин-қизлар имкониятини кенгайтиришни жалб қилишни “рағбатлантириш”дир.

Аммо шунини таъкидлаш керакки, ушбу чораларнинг барчаси фақат давлат томонидан молиялаштириладиган ёки ҳукумат билан шартнома тузган фирма ёки муассасаларга тегишли. Компаниялар ҳукумат билан шартномалар тузганда уларга ижобий ҳаракатлардан фойдаланиш тавсия этилади. Хусусий секторда ижобий ҳаракатлар фақат ихтиёрий равишда амалга оширилиши мумкин, чунки иш берувчилар бундан норози эканини ва ҳукуматнинг бозор муносабатларига асоссиз ара-лашувига эътироз билдирмоқдалар. Айрим мамлакатларда (масалан, Нидерландияда) хусусий сектор иш берувчилари томонидан ижобий ҳаракатларни қўллашни рағбатлантириш учун давлат грантлари ажратилади.

Жинсий зўравонлик

Хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шахвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш.

Жисмоний зўравонлик

Хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган зўравонлик шакли.

Зўравонлик

Хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай

таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик).

Иқтисодий зўравонлик

Хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик).

Иш жойи

Ўзи билан тузилган шартномага мувофиқ меҳнат мажбуриятларини амалга ошириш ёки хизмат вазифаларини бажариш учун бўлиши ёки бориши лозим бўлган, иш берувчи томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган жой.

Руҳий зўравонлик

Хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга туҳмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, шунингдек, уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан, репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик).

Тазйиқ

Содир этилгани учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи

Ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилиши таҳдиди остида бўлган ёки тазйиқ ва зўравонлик натижасида жабрланган аёл жинсидаги шахс.





Тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш

Хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи учун пайдо бўлган хавфни бартараф этиш, тезкор чора-тадбирларни талаб қиладиган ҳаётий вазиятлар юз берганда хотин-қизларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, жабрланувчига нисбатан тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг такроран ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадидаги иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик ва бошқа тусдаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тизими.

Тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этишга олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, жамиятда хотин-қизларнинг зўравонликдан холи бўлиш ҳуқуқларидан хабардорлигини оширишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими.

Ҳимоя ордери

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.

Гендер асимметрияси / Гендер тафовут

Ҳаётнинг у ёки бу жабҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар иштирокининг тенг эмаслиги. Масалан, давлат бошқаруви, сиёсат, қарорлар қабул қилиш, йирик ва ўрта бизнес соҳасида эркаклар устунлик қилади, асосан эркаклар мол-мулкка эгаллик қиладилар (шу жумладан, оиланинг мулкига ҳам). Давлат бошқаруви, сиёсат ва бизнес соҳаларида ижро этувчи лавозимларнинг катта қисмини хотин-қизлар эгаллаган; иқтисоднинг кам даромадли ва кам иш ҳақи тўланадиган секториде хотин-қизлар устунлик қилади. Хотин-қизлар ва эркакларнинг иштироки, имкониятлари, яъни фойдалар, ҳуқуқлар, мукофотлар ёки ресурслардан фойдаланишдаги имкониятлари нуқтаи назардан ҳар қандай соҳадаги уларнинг ўртасидаги тафовут.

Аёл лидерлиги (етақчилиги)

Хотин-қизларнинг давлат ва жамоат бошқарувининг турли даражаларида қарорларни ишлаб

чиқиш ва қабул қилишда иштирок этиши. Аёллар лидерлигининг шакллари: сиёсий, иқтисодий, ижтимоий.

Сиёсий шаклга давлат ҳокимиятининг юқори ва маҳаллий қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларида, шу жумладан, давлатнинг раҳбарлигида, сиёсий партиялар ва БМТ каби халқаро ташкилотлар раҳбариятида хотин-қизлар иштирокини киритиш мумкин.

Иқтисодий шакл – иқтисодиёт масалалари бўйича шуғулланадиган миллий давлат органларида, шу жумладан, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, халқаро ва минтақавий молиявий муассасаларнинг олий бошқарув тузилмаси ходимлари, касаба уюшмалари ва бошқа соҳалар бўйича уюшмаларнинг раҳбарлари лавозимларида иштирокини англатади.


Лидерликнинг ижтимоий шакли – бу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, иқтисоднинг қуйи даражасида (хусусий корхоналар, уй бекаси), ижтимоий ҳаракатлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари каби фуқаролик жамияти соҳаларининг бошқарув лавозимларида хотин-қизларнинг иштирок этиши.


Гендер квоталари

Турли давлат органлари ёки ҳокимиятнинг турли даражаларида хотин-қизлар ва эркаклар иштирокининг қонун билан белгиланган ва кафолатланган даражаси. Хотин-қизларга ажратилган квоталардан фарқли равишда гендер квоталари кўпроқ хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг иштирокини таъминлаш ва тузатиш киритишга қаратилган бўлади. Бундай ҳолда гендер квотасининг тизими эркакларнинг иштироки паст бўлган соҳаларда уларнинг ҳам манфаатларини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолати тўғрисида”ги қонунининг 16-моддасига ҳам қаралсин.

Ходимлар лавозимларининг тоифаларини ҳисобга олган ҳолда битта жинсдаги ходимлар томонидан бўш лавозимларни эгаллашни квоталаш тизимини белгилашни назарда тутувчи давлат хизматида гендер сиёсатини амалга оширишни таъминлаш бўйича вақтинча махсус чораларни қўллашга рухсат берилади. Квота вақтинчалик чора сифатида киритилади ва давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар иштирокида мувозанатга эришилгандан сўнг бекор қилиниши мумкин.





4-илова. Дунёнинг турли мамлакатларида судьялар орасида хотин-қизларнинг улуши

№	Мамлакатлар	2017 йил ҳолатига судьялар орасида хотин-қизларнинг улуши*
1.	Латвия	78,6 %
2.	Словения	78,4 %
3.	Руминия	72,0 %
4.	Хорватия	70,6 %
5.	Сербия	70,0 %
6.	Венгрия	68,7 %
7.	Болгария	67,0 %
8.	Эстония	63,9 %
9.	Польша	63,0 %
10.	Литва	61,9 %
11.	Португалия	60,4 %
12.	Дания	59,0 %
13.	Беларусь	57,8 %
14.	Австрия	54,0 %
15.	Испания	52,8 %
16.	Швеция	52,3 %
17.	Грузия	51,6 %
18.	Исроил	50,6 %
19.	Албания	41,5 %
20.	Қозоғистон	47,9 %
21.	Молдова	47,4 %
22.	Норвегия	45,0 %
23.	Туркия	42,8 %
24.	Исландия	38,0 %
25.	Британия	29,4 %
26.	Арманистон	26,1 %
27.	Канада	23,5 %
28.	Лихтенштейн	23,1 %
29.	Озарбайжон	11,9 %

БМТ ЕИК маълумотлари бўйича: <https://w3.unece.org/PXWeb/ru/Charts?IndicatorCode=32> (2017 йил ҳолатига)






5-илова. Дунёнинг турли мамлакатларида суд ходимлари орасида хотин-қизларнинг улуши


№	Мамлакатлар	2017 йил ҳолатига судьялар орасида хотин-қизларнинг улуши*	2016 йил ҳолатига судья ёрдамчилари орасида хотин-қизларнинг улуши**	2016 йил ҳолатига суднинг бошқа ходимлари орасида хотин-қизларнинг улуши***
1.	Латвия	78,6 %	94 %	79 %
2.	Словения	78,4 %	85 %	маълумот мавжуд эмас
3.	Руминия	72,0 %	81 %	маълумот мавжуд эмас
4.	Хорватия	70,6 %	92 %	маълумот мавжуд эмас
5.	Сербия	70,0 %	10 %	маълумот мавжуд эмас
6.	Венгрия	68,7 %	87 %	85 %
7.	Болгария	67,0 %	маълумот мавжуд эмас	маълумот мавжуд эмас
8.	Эстония	63,9 %	93 %	78 %
9.	Польша	63,0 %	маълумот мавжуд эмас	маълумот мавжуд эмас
10.	Литва	61,9 %	маълумот мавжуд эмас	маълумот мавжуд эмас
11.	Португалия	60,4 %	66 %	88 %
12.	Дания	59,0 %	маълумот мавжуд эмас	маълумот мавжуд эмас
13.	Беларусь	57,8 %	маълумот мавжуд эмас	маълумот мавжуд эмас
14.	Австрия	54,0 %	80 %	73 %
15.	Испания	52,8 %	маълумот мавжуд эмас	маълумот мавжуд эмас
16.	Швеция	52,3 %	82 %	70 %
17.	Грузия	51,6 %	84 %	маълумот мавжуд эмас
18.	Исроил	50,6 %	79 %	97 %
19.	Албания	41,5 %	94 %	56 %
20.	Козоғистон	47,9 %	маълумот мавжуд эмас	маълумот мавжуд эмас
21.	Молдова	47,4 %	71 %	маълумот мавжуд эмас
22.	Норвегия	45,0 %	маълумот мавжуд эмас	маълумот мавжуд эмас
23.	Туркия	42,8 %	маълумот мавжуд эмас	маълумот мавжуд эмас
24.	Исландия	38,0 %	маълумот мавжуд эмас	маълумот мавжуд эмас
25.	Британия	29,4 %	маълумот мавжуд эмас	маълумот мавжуд эмас
26.	Арманистон	26,1 %	маълумот мавжуд эмас	маълумот мавжуд эмас
27.	Канада	23,5 %	маълумот мавжуд эмас	маълумот мавжуд эмас
28.	Лихтенштейн	23,1 %	маълумот мавжуд эмас	маълумот мавжуд эмас
29.	Озарбайжан	11,9 %	маълумот мавжуд эмас	маълумот мавжуд эмас

* БМТ ЕИК маълумотлари бўйича: <https://w3.unece.org/PXWeb/ru/Charts?IndicatorCode=32> (2017 йил ҳолатига)

** Маълумотлар 2016 йил ҳолатига тақдим этилган: <https://public.tableau.com/profile/cepej#!/vizhome/CEPEJ-Genderequalityv5EN/Barcharts>

*** Маълумотлар 2016 йил ҳолатига тақдим этилган: <https://public.tableau.com/profile/cepej#!/vizhome/CEPEJ-Genderequalityv5EN/Barcharts>





6-илова. Дунёнинг турли мамлакатларидаги судьялар орасида хотин-қизларнинг улуши ва ушбу мамлакатларнинг "Rule of Law Index 2017" ва "Doing Business 2017" тадқиқотлари бўйича рейтинглари

№	Мамлакатлар	2017 йил ҳолатига судьялар орасида хотин-қизларнинг улуши*	"Rule of Law Index" тадқиқотининг "Фуқаролик суд ишларини юритиш" омили бўйича мамлакатларнинг рейтинглари **	Рейтинг страны по суб-фактору «Уголовное судопроизводство» исследования «Rule of Law Index» (из 113 стран)	Рейтинг страны по суб-фактору «Исполнение контрактов» исследования «Doing Business»*** (из 190 стран)
1.	Латвия	78,6 %	маълумот мавжуд эмас	маълумот мавжуд эмас	23
2.	Словения	78,4 %	42	33	119
3.	Руминия	72,0 %	29	34	26
4.	Хорватия	70,6 %	44	48	7
5.	Сербия	70,0 %	72	89	61
6.	Венгрия	68,7 %	68	55	8
7.	Болгария	67,0 %	49	71	49
8.	Эстония	63,9 %	11	19	11
9.	Польша	63,0 %	30	26	55
10.	Литва	61,9 %	маълумот мавжуд эмас	маълумот мавжуд эмас	6
11.	Португалия	60,4 %	23	23	19
12.	Дания	59,0 %	2	3	24
13.	Беларусь	57,8 %	39	51	27
14.	Австрия	54,0 %	9	8	10
15.	Испания	52,8 %	27	24	29
16.	Швеция	52,3 %	6	4	22
17.	Грузия	51,6 %	55	47	16
18.	Исроил	50,6 %	маълумот мавжуд эмас	маълумот мавжуд эмас	89
19.	Албания	41,5 %	87	57	116
20.	Қозоғистон	47,9 %	50	70	9
21.	Молдова	47,4 %	83	90	62
22.	Норвегия	45,0 %	4	2	4
23.	Туркия	42,8 %	94	74	33
24.	Исландия	38,0 %	маълумот мавжуд эмас	маълумот мавжуд эмас	32
25.	Британия	29,4 %	14	11	31
26.	Арманистон	26,1 %	маълумот мавжуд эмас	маълумот мавжуд эмас	28
27.	Канада	23,5 %	20	10	112
28.	Озарбайжон	11,9 %	маълумот мавжуд эмас	маълумот мавжуд эмас	44

* БМТ ЕИК маълумотлари бўйича: <https://w3.unecse.org/PXWeb/ru/Charts?IndicatorCode=32> (2017 йил ҳолатига)

** 2017-2018 йиллар ҳолатига, маълумотларни ушбу сайтдан кўриш мумкин: <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/global/2017-18/Civil%20Justice/>

*** 2017 йил ҳолатига, маълумотларни ушбу сайтдан кўриш мумкин: <https://www.doingbusiness.org/content/dam/doingBusiness/media/Annual-Reports/English/DB17-Report.pdf>






7-илова. Турли араб мамлакатларида судьялар орасида хотин-қизларнинг улуши*

№	Мамлакатлар	%аёл-судьялар	Йил	Изоҳ
1.	Жазоир	42 %	2017 й.	
2.	Бахрайн	9 %	2016 й.	
3.	Комор ороллари	8 %	2005 й.	
4.	Жибути	38,6 %	2009 й.	
5.	Миср	<1 %	2018 й.	
6.	Ироқ	7 %	2018 й.	
7.	Иордания	22 %	2018 й.	
8.	Қувайт	0 %	2017 й.	Аёл-судьялар йўқ, аммо прокурор ўринбосарлари лавозимида 22 нафар хотин-қизлар ишлайди.
9.	Ливан	49,3 %	2018 й.	
10.	Ливия	14 %	Маълумот йўқ	
11.	Мавритания	1 %	2018 й.	
12.	Марокаш	23,5 %	2018 й.	
13.	Уммон	0%	2017 й.	Аёл-судьялар йўқ, аммо давлат прокурорларининг 20 %ни хотин-қизлар ташкил этади.
14.	Фаластин давлати	17,8 %	2018 й.	
15.	Қатар	1 %	2011 й.	
16.	Саудия Арабистони	<1 %	2018 й.	Бир нафар аёл-судья бор (тижорат судида арбитр) .
17.	Сомали	0 %	2018 й.	Аёл-судьялар йўқ, аммо прокурор ўринбосарлари лавозимида 6 нафар хотин-қизлар ишлайди.
18.	Судан	12,6 %	2018 й.	
19.	Сурия	17,5 %	2018 й.	
20.	Тунис	43,1 %	2018 й.	
21.	Бирлашган Араб Амирликлари	<1 %	2015 й.	4 нафар аёл-судьялар бор, шунингдек, давлат прокурорлари орасида ҳам хотин-қизлар бор.
22.	Яман	1,7 %	2014 й.	

* Жадвалда келтирилган маълумотлар турли манбаларга, жумладан ESCWA иштирокчи-давлатлари томонидан тўлдирилган сўровномаларга, иштирокчи-давлатларнинг ХҚКБШББКни амалга ошириш бўйича ҳисоботларига, ESCWA томонидан ўтказилган таҳлилий изланишлар натижасига ва ESCWAnинг "Гендер рақамларда" деб номланган маълумотларига асосланган. Рақамлар аёл-судьяларнинг судларнинг барча даражаларидаги умумий кўрсаткичини белгилайди. Алоҳида маълумотлар мавжуд бўлмаган давлатлар учун ушбу кўрсаткич прокурорларни (ёки уларга тенглаштирилганларни) ҳам ўз ичига олади. Бир неча араб давлатлари (Марокаш, Тунис ва Фаластин давлати кабиларда) суд тизимида хотин-қизлар иштирокини кузатиб боради ва манфаатдор тарафлар учун мунтазам равишда тегишли маълумотларни тақдим этади, бу эса қўлланилиши керак бўлган яхши амалиёт ҳисобланади. Бироқ араб давлатлари судларида хотин-қизлар иштироки тўғрисидаги маълумотлар одатда бир-бирига зиддир.


* Policy Brief Women in the Judiciary. A Stepping Stone towards Gender Justice. United Nations. Beirut, 2018. [Электрон ресурс] URL: <https://www.unescwa.org/publications/women-judiciary-gender-justice-arab-countries>



Редактор: _____
Дизайн и верстка: А. Латкович
Лицензия AI №263 31.12.2014. Подписано в печать хх.хх 2020.
Формат: 60х90 1/8. Гарнитура «Pragmatica».
Усл.п.л. XXX.
Тираж ____.

Издательство «XXXXXX»
г.Ташкент, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX.
Тел/факс: +998 (71) XXXXXXXXXXXX

Отпечатано в _____
Адрес: _____
Тел.: + 998 (71) xxx-xx-xx



**СУД ТИЗИМЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР
ИШТИРОКИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА
ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ТАҲЛИЛИ**